

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФармониЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI ХУЗУРИДАГИ
ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ХУҚУҚЛАРИ ВА
ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ХИМОЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА
ВАКИЛИ ИНСТИТУТИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш, уларнинг фаолиятига давлат органларининг асосий аралашувини олдини олиш, хусусий мулк дахлсизлигининг ҳуқуқий механизмларини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг ус-туворлиги принципини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили институти (кейинги ўринларда Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил деб юритилади) таъсис этилсин.

2. Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакилнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда иштирок этиш;
давлат органлари, шу жумла-

дан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш;

тадбиркорлик субъектларининг фаолияти текширилаётганда уларни ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш;

тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари ва талабларининг амалда рўйбга чиқарилаётганлигини ўрганиш;

қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тадбиркорлик фаолияти амалга оширилишига таъсири самарадорлигини баҳолаш;

тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлашга, уларнинг ривожланишини рағбатлантиришга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ўз ваколатларини мустақил ҳамда давлат органлари, уларнинг мансабдор шахсларига тобе бўлмаган тарзда амалга оширади, ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳисобдордир;

(Давоми 2-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қарори2017/2018 Ўқув йилида ЎЗБЕКИСТОН
RESPUBLIKASINING ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА
ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон қарорини ижро этиш ҳамда мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳа тармоқларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, бакалавр ва магистрларни тайёрлашда иш берувчиларнинг жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда сон ва таълим йўналишлари уйғунлигига эришиш, олий таълим муассасалари битирувчилари меҳнатидан фойдаланишни яхшилаш, шунингдек, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг ўртача муддатга мўлжалланган мақсадли дастурларини жорий этиш, тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ва диверсификациялаш, ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргаликда, шунингдек, давлат ва ҳўжалик бошқаруви, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар иштирокида:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Республика олий таъ-

лим муассасаларига ўқишга қабул қилиш параметрларини шакллантириш механизминини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2015 йил 23 июндаги ПҚ-2360-сон қарорига мувофиқ ва янги қурилаётган корхоналарнинг ҳудудий жойлашуви, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар бўйича дастурий чора-тадбирларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник қайта жиҳозлаш ва диверсификациялаш борасидаги инвестиция лойиҳаларини жорий қилиш, йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш омилларини таҳлил қилиш натижалари асосида олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш ва иш берувчиларнинг олий таълим муассасалари битирувчиларига талаби баланс ҳисоб-китоб параметрлари ишлаб чиқилди;

аниқ йўналиш ва мутахассисликлар бўйича тайёргарликка эга бўлган олий таълим муассасалари битирувчиларига нисбатан истиқболга мўлжалланган талаб-эҳтиёж, шунингдек, битирувчиларнинг танланган мутахассислик бўйича ишга жойлашуви мониторинги маълумотлари асосида 2017/2018 ўқув йили учун олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш квоталари шакллантирилди.

(Давоми 3-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚарориТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ХАЛҚАРО АЭРОПОРТГА
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASINING БИРИНЧИ
PREZIDENTI ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИНИ
БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 январдаги ПҚ-2744-сонли "Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуганиевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида"ги қарорининг бажарилишини таъминлаш ҳамда аэропорт инфратузилмаси фаолияти самарадорлигини янада ошириш, шунингдек, Тошкент халқаро аэропортида замонавий талабларга мувофиқ йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифатини тубдан яхшилаш мақсадида:

1. "Тошкент" халқаро аэро-

порти" давлат унитар корхонасига Ислом Каримов номи берилсин.

2. Тошкент халқаро аэропорти инфратузилмаси фаолияти самарадорлигини янада ошириш ҳамда йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифатини тубдан яхшилашга доир комплекс чора-тадбирлар дастурининг ҳар томонлама тайёрланишини ва асосланишини таъминлаш мақсадида иловага мувофиқ таркибда Махсус комиссия ташкил этилсин.

(Давоми 4-бетда.)

Эъзоз-эҳтиромдан
нурафшон диллар

9-may — Хотира va qadrlash kuni

Тошкент шаҳрида 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан ўтказиладиган байрам тадбирида Сурхондарё вилоятидан ҳам бир гуруҳ Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари иштирок этади.

(Давоми 5-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Фармони

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI ХУЗУРИДАГИ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ХУҚУҚЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ХИМОЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ВАКИЛИ ИНСТИТУТИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил Ўзбекистон Республикаси Президентига тизимли равишда давлат органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиниши ҳолати тўғрисида ахборот тақдим этади;

Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ва унинг ўринбосари Ўзбекистон Республикаси Президентига таъминотидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади;

Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил мақоми, меҳнат ҳақи, тиббий ва транспорт таъминоти шарт-шароитларига кўра Ўзбекистон Республикаси Президентига Давлат маслаҳатчисининг ўринбосарига, Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакилнинг ўринбосари эса — Ўзбекистон Республикаси Президентига девони шўба мудирга тенглаштирилади;

Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакилнинг фаолияти юридик шахс ҳисобланган Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девони томонидан таъминланади;

Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девони ходимлари Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девони томонидан лавозимга тайинланадилар ва лавозимдан озод қилинадилар, уларга Ўзбекистон

Республикаси Президентига девони ходимлари учун белгиланган тиббий хизмат кўрсатиш, моддий рағбатлантириш ва меҳнатга ҳақ тўлаш шарт-шароитлари таътиб этилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девони ходимларининг чекланган сони 8 нафардан иборат бўлган тўзимли 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакилга:

тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя қилишга доир қонун ҳужжатлари давлат органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари томонидан сўзсиз ижро этилишини ўрганиш;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширишлар амалга оширилиши қонунийлигининг мониторингини олиб бориш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашув ҳолатларининг олдини олиш бўйича комплекс чора-тадбирлар кўриш юзасидан тақлифлар киритиш;

тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя қилиш бўйича қонун ҳужжатларининг бузилиши мумкин эмаслиги тўғрисида давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг мансабдор шахсларини ёзма равишда оғохлантириш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига белгиланган муддатларда кўриб чиқиши мажбурий бўлган аниқланган қонун-

бузилиш ҳолатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимнома киритиш;

тадбиркорлик субъектлари манфаатларини кўзлаб судларга давлат божи тўламасдан аризалар ва даъволар билан мурожаат қилиш; давлат органлари ва ташкилотларидан ўз ваколатига кирадиган масалалар юзасидан статистик, таҳлилий материаллар, хулосалар ҳамда бошқа ахборот сўраш ва олиш;

давлат органларининг тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларини кўриб чиқиш билан боғлиқ йиғилишларида иштирок этиш;

зарур бўлган ҳолатларда ўзига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун давлат органлари, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари ҳамда мутахассисларини жалб қилиш, ишчи гуруҳлар ташкил этиш ҳуқуқи берилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентига девони Сиёсий-ҳуқуқий Масалалар хизмати манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш учун икки ой муддатда "Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя

қилиш бўйича вакил тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда:

Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девонининг фаолиятини самарали ташкил этиш учун зарур ташкилий, молиявий ва моддий-техник масалалар ҳал этилишини;

Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ва унинг девонини жойлаштириш учун қулай бино (хоналар) ажратилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакилнинг девонини зарур алоқа воситалари ва турлари, шу жумладан, ҳуқуқат алоқа воситалари билан жиҳозланишини, шунингдек, кенг полосули интернет тармоғига уламини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 2-иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

10. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси О.Б.Муродов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

Тошкент шаҳри,

2017 йил 5 май

Ш.МИРЗИЁЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институтини таъсис этиш тўғрисида"ги Фармонига шарҳ

Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, хусусий мулкнинг қонуний ҳақда амалий жиҳатдан устувор ролини таъминлаш, иқтисодиётда давлат улушини босқичма-босқич камайитиришга қаратилган аниқ манзилли чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Бу борада қабул қилинган қатор қонунлар ва қонуности ҳужжатлари билан давлат органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идораларининг тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашувини бартараф этиш йўлида қатъий тартиб ўрнатилди.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг давлат органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлик фаолияти субъекти ҳуқуқларининг устуворлиги принципи амал қилмоқда. Қонун ҳужжатларида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган барча бартараф этиб бўлмайдиган зиддиятлар ва ноаниқликлар тадбиркорлик фаолияти субъектининг фойдасига ҳал

этилмоқда. Тадбиркорликни ривожлантиришга тўққинлик қилиш давлат сиёсатида, Президент сиёсатида тўққинлик қилиш сифатида қаралмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони бу борада муҳим аҳамият касб этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентига ташаббуси билан "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонун ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. У хусусий мулк ҳуқуқига ғайриқонуний таъвозуларни, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига асосиз аралашувларни чеклашга қаратилган билан аҳамиятлидир. Шунингдек, қонун ҳужжатларига тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга қаратилган қатор ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Тадбиркорлик субъектлари-

ни ташкил қилиш тизимини тубдан соддалаштириш ва тадбиркорлик фаолиятини юритишни янада энгиллаштириш масалалари ҳам давлатимиз эътиборида турибди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори билан тадбиркорлик субъектларига "ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказларининг фаолияти сифати ва самарадорлигини тубдан ошириш, улар томонидан кўрсатиладиган хизматлар турларини янада кенгайтиришга қаратилган аниқ чоралар белгиланди.

Бу саъй-ҳаракатлар тадбиркорлик субъектларининг мамлакатимиз иқтисодиётидаги роли ва аҳамиятини янада оширишга хизмат қилмоқда. Натижада аҳолининг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш хоҳиш-истаги ошиб, йилдан-йилга тадбиркорлик субъектларининг сони кўпаймоқда. Тадбиркорлик фаолияти аҳолини иш билан таъминлашда, одамларнинг ҳаёт да-

ражаси ва сифатини оширишда ҳал қилувчи омиллардан бирига айланган.

Ислохотлар самарадорлиги тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимининг янги таъсирчан механизмларини жорий этиш ҳамда мамлакатимизда янада қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш билан узвий боғлиқлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институтини таъсис этиш тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳузурида Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (кейинги ўринларда — Вакил) таъсис этилмоқда. Ушбу институт келгусида тадбиркорлик субъектлари ва давлат органлари ўртасидаги самарали мулоқотнинг янги механизмларини жорий қилишга, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфа-

атларини таъминлашга қаратилган давлат ҳимоясининг қўшимча қарорларини яратишга хизмат қилади.

Фармон билан Вакилнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари белгиланмоқда. Унга кўра, Вакил мазкур соҳада давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда иштирок этиш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш, тадбиркорлик субъектларининг фаолияти текширилаётганда уларни ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш бўйича вазифаларни бажаради. Шунингдек, соҳадаги қонун ҳужжатлари нормалари ва талабларининг амалда рўйбга чиқарилаётганлигини ўрганиш, уларнинг тадбиркорлик фаолияти амалга оширилишига таъсирини баҳолаш, тадбиркорликнинг ҳуқуқий қарорларини мустаҳкамлашга, уларнинг ривожланишини рағбатлантиришга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан тақлифлар тайёрлаш Вакил фаолиятининг асосий йўналишлари ҳисобланади.

(Давоми 3-бетда.)

2017-yil 6-may, № 36 (8997)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили институтини таъсис этиш тўғрисида"ги Фармониغا шарҳ

(Давоми. Боши 2-бетда.)

Вакил Фармонда белгиланган ўз ваколатларини мустақил ҳамда давлат органлари, уларнинг мансабдор шахсларига тобе бўлмаган тарзда амалга оширади. Вакил Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади ҳамда ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳисобдор ҳисобланади. Бу қоида Вакилнинг ўз фаолиятини фақатгина Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунарига бўйсунган ҳолда амалга оширишида, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг ҳар қандай шаклда бузилишига нисбатан адолат, қонуни устуворлиги ҳамда тадбиркорлар ҳуқуқларининг устуворлиги нуқтаи назаридан ҳолисона баҳо беришида, қонунбузилишларга ўз вақтида барҳам бериш учун қатъий чораларни кўришида, қонунбузилишларга йўл қўйган барча мансабдор шахслар учун жазонинг муқаррарлиги принципини таъминлашида муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Фармон билан Вакилга ўз вазифаларини бажариши учун қатор ҳуқуқ ва ваколатлар берилмоқда. Жумладан, Вакил тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя қилиш бўйича қонунчиликнинг сўзсиз ижро этилишини ўрганиш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширишлар амалга оширилиши қонунийлигининг мониторингини олиб бориш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашув ҳолатларининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилиш юзасидан таклифлар киритиш, давлат органлари ва ташкилотларидан ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича статистик, таҳлилий материаллар, ҳулосалар ва бошқа маълумотларни сўраш ва олиш ҳуқуқига эга.

Шу билан бирга, Вакил давлат органлари ва бошқа муассасалар мансабдор шахсларини ёзма равишда огохлантириши, уларга аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини, уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимнома киритиши мумкинлиги кўзда тутиляпти. Вакил тадбиркорлик субъектлари манфаатларини қўзғаб судларга давлат божи тўламасдан аризалар ва даъволар билан мурожаат қилиши, давлат органларининг тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларини кўриб чиқиш билан боғлиқ йиғилишларида иштирок этиши мумкин.

Ушбу ҳуқуқ ва ваколатларнинг амалда рўйбога чиқарилиши соҳадаги қонунийлик талаб-

ларини тадбиркорлик субъектлари фикрлари, таклиф ва эҳтиёжларидан, мавжуд муаммолар, ҳуқуқни қўллаш амалиётининг ҳар томонлама таҳлилдидан келиб чиққан ҳолда, доимий равишда такомиллаштириб боришга ҳамда қонун ҳужжатлари ижроси самарадорлигини ошириш учун барча зарур чора-тадбирларни кўришга замин яратади. Энг муҳими, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашувларнинг, шу жумладан, ҳар хил асосиз текширувлар ўтказиш йўли билан аралашувларнинг зудлик билан барҳам берилишига, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилишининг ҳар қандай шаклининг олдини олиш учун самарали чоралар кўрилишига, тадбиркорлик субъектларининг бузилган ҳуқуқларини тиклаш, шу жумладан, суд орқали тиклаш механизмларидан унумли фойдаланиш имкониятини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Фармонда Вакил девони фаолияти ташкил этилиши белгиланиб, унинг тузилмаси тасдиқланди. Вакил ва унинг девони фаолиятини самарали ташкил қилиш учун зарур ташкилий, молиявий ва моддий-техник масалаларни ҳал этиш ҳам назарда тутилмоқда.

Ушбу ҳужжатда, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида"ги Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш белгиланган. Унда Вакил фаолиятининг ҳуқуқий асослари ва қафолатлари, асосий принциплари, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, тадбиркорлик субъектларининг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби, давлат органлари, тадбиркорлик субъектлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлик тартибини белгилаш режалаштирилмоқда.

Фармонда назарда тутилган чора-тадбирларнинг ҳаётга татиқ этилиши, шубҳасиз, иқтисодийнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлган тадбиркорлик субъектлари манфаатлари устуворлигини амалда таъминлаш, Вакил зиммасидаги вазифаларни тўлақонли рўйбога чиқариш, давлат органлари ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида самарали мулоқотни мустаҳкамлаш, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини рағбатлантириш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бирор-бир шаклда бузиш ҳолатларига барҳам бериш имкониятини яратади. Пировадидда мамлакатимиз иқтисодий қудратини оқсантириш, аҳолини барқарор ва сифатли иш билан таъминлаш, одамлар турмуш сифати ва даражасини янада яхшилаш, жамиятда ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қарори

2017/2018 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда.)

2. 2017/2018 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича умумий квота:

бакалаврлар учун 66316 нафар, шу жумладан, давлат грантлари бўйича — 18194 та ва тўлов-контракт асосида — 48122 та 1-иловага мувофиқ;

магистрлар учун 5000 нафар, шу жумладан, давлат грантлари бўйича — 1556 та ва тўлов-контракт асосида — 3444 та 2-иловага мувофиқ;

Тошкент ахборот технологиялари университетининг махсус сиртки бўлимида — 100 нафар, жумладан, давлат грантлари бўйича — 15 та ва тўлов-контракт асосида — 85 та, Навоий давлат кончилик институтида тўлов-контракт асосида — 90 нафар ва Тошкент темир йўл муҳандислари институтида тўлов-контракт асосида — 80 нафар бакалаврни тайёрлаш 3-иловага мувофиқ белгилансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг 2017/2018 ўқув йилида бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари буюртмаларига биноан юқори малакали тиббиёт кадрларига талаб катта бўлган ҳудудлар учун мақсадли қабул бўйича квоталарни Ўзбекистон Республикасининг тиббиёт олий таълим муассасаларига давлат грантлари асосида бакалаврият йўналиши бўйича мутахассислар тайёрлашнинг умумий белгиланган параметрлари доирасида ажратиш бўйича тақлифи 4-иловага мувофиқ қабул қилинсин.

4. Ўзбекистон Республикасининг таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг (кейинги ўринларда Давлат комиссияси деб аталади) таркиби 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Давлат комиссиясига қўйидаги ҳуқуқлар берилсин: бакалаврият йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича олий таълим муассасаларига ўқишга кириш чоғида абитуриентлар тўплаган балларнинг рейтинг баҳосини ҳисобга олган ҳолда олий таълим муассасаларининг бакалаврият ва магистратураси қабул параметрларига ўзгартишлар киритиш;

яңги йўналишлар ва мутахассисликларни киритиш учун бакалаврият ва магистратуранинг қабул квоталарига ўзгартишлар киритиш; иқтисодиёт тармоқлари,

жумладан, республиканинг олис ва бориш қийин бўлган ҳудудлари учун мутахассисларга бўлган ўринли эҳтиёжни қондириш мақсадида олий таълим муассасаларининг бакалаврият ва магистратурасига тегишли тармоқлар ва ҳудудлар бўйича мақсадли қабул кўрсаткичларини белгилаш.

5. 2017/2018 ўқув йилида бошлаб олий таълим муассасаларига тўлов-контракт пулининг оширилган ставкаси бўйича қўшимча қабулни амалга ошириш жорий этилсин.

Белгилаб қўйилсинки: олий таълим муассасаларига тўлов-контракт пулининг оширилган ставкаси бўйича қўшимча қабулни амалга ошириш учун квота миқдори таълим муассасасининг мавжуд имкониятлари ва таълим йўналишларидан келиб чиқиб Давлат комиссияси томонидан белгиланади;

қўшимча қабул бўйича тўлов-контракт пулининг оширилган ставкаси абитуриентлар тўплаган балларга қараб Давлат комиссияси томонидан дифференциялашган тартибда белгиланади;

тўлов-контракт суммасини оширилган ставкаси бўйича қўшимча қабул ўтиш баллини тўплай олмаган абитуриентларга тўплаган баллига мувофиқ (68 балдан кам бўлмаган) кетма-кетлик тартиби қатъий сақланган ҳолда, уларнинг оширилган контракт пулини тўлай олиш имкониятидан келиб чиқиб амалга оширилади.

6. Тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Давлат тест маркази билан биргаликда икки ҳафта муддатда тасарруфидаги олий таълим муассасаларининг бакалаврият ва магистратура бўйича давлат гранти ҳамда тўлов-контракт асосида ўринлар квотасини таълим тилларига қараб тақсимлашга оид таклифларни Давлат комиссиясига тасдиқлаш учун киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги "Ўзстандарт" агентлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Давлат тест маркази билан биргаликда белгиланган тартибда:

олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлар классификаторига янги киритилаётган бакалаврият йўналишлари ва магистратура

тура мутахассисликлари бўйича ўзгартиш ва қўшимчалар киритсин;

бир ой муддатда янги киритилаётган бакалаврият йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича ўқув режалари ҳамда дастурларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2017/2018 ўқув йилида давлат грантлари асосида бакалаврият ва магистратурага ўқишга қабул қилиш бўйича белгиланган квоталарни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан зарур маблағлар ажратилишини таъминласин.

9. Кадрларни мақсадли тайёрлаш буюртмачилари — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, вазирликлар ва идораларга олий таълим муассасалари битирувчиларининг улар ўқиб эгаллаган касбига ва тузган шартномаларига мувофиқ иш билан бандлигини таъминлаш, жумладан, республиканинг олис ва бориш қийин бўлган ҳудудларига ишга йўлланма олган олий таълим муассасалари битирувчилари учун муносиб меҳнат ва ижтимоий-маиший шарт-шароитлар яратиш юзасидан жавобгарлик юклансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2016/2017 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида" 2016 йил 26 майдаги ПҚ-2534-сон қарорининг 3-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Давлат тест маркази:

бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

12. Мақzur қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Н.Юнусходжаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 5 май

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2017/2018 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида"ги қарорига шарҳ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон қарорини ижро этиш ҳамда мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳа тармоқларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, бакалавр ва магистрларни тайёрлашда иш берувчиларнинг жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда сон ва таълим йўналишлари уйғунлигига эришиш, олий таълим муассасалари битирувчилари меҳнатидан фойдаланишни яхшилаш, шунингдек, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг ўртача муддатга мўлжалланган мақсадли дастурларини жорий этиш, тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ва диверсификациялаш, худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2017/2018 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорга биноан ҳамда мамлакатимизда янги қурилаётган қорхоналарнинг худудий жойлашуви, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар бўйича дастурий чора-тадбирларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник қайта жиҳозлаш ва диверсификациялашнинг инвестициявий лойиҳалари, йўл-транспорт ҳамда коммуникация инфратузилмаси таҳлилига мувофиқ, 2017/2018 ўқув йили учун олий таълим муассасаларига ўқишга қабул бўйича умумий квота бакалаврлар учун 66316 нафар, шу жумладан, давлат грантлари бўйича 18194 та ва тўлов-контракт асосида 48122 та, магистрлар учун 5000 нафар, шу жумладан, давлат грантлари бўйича 1556 та ва тўлов-контракт асосида 3444 та этиб белгиланди.

Шунингдек, ушбу ҳужжатда махсус сиртки бўлим негизида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда билим олишни таъминлаш мақсадида Тошкент ахборот технологиялари университетининг махсус сиртки бўлимида 100 нафар, шу жумладан, давлат грантлари бўйича 15 та ва тўлов-контракт асосида 85 та, Навоий давлат кончилик институтида тўлов-контракт асосида 90 нафар ва Тошкент темир йўл муҳандислари институтида тўлов-контракт асосида 80 нафар бакалаврни тайёрлаш назарда тутилган.

Бундан ташқари, ушбу қарор билан 2017/2018 ўқув йилидан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари бююртмаларига биноан юқори малакали тиббиёт кадрларига эҳтиёж катта бўлган худудлар учун Ўзбекистон Республикасининг тиббиёт олий таълим муассасаларига давлат грантлари асосида бакалаврият йўналиши бўйича мутахассисларни тайёрлашнинг мақсадли қабул квоталари тасдиқланди.

Қарор билан Ўзбекистон Республикасининг таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Дав-

лат комиссиясининг янги таркиби тасдиқланди ва унга қуйидаги ҳужуқлар берилди:

бакалаврият йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича олий таълим муассасаларига ўқишга кириш чоғида абитуриентлар тўплаган балларнинг рейтинг баҳосини ҳисобга олган ҳолда олий таълим муассасаларининг бакалаврият ва магистратура бўлимлари қабул параметрларига ўзгаришлар киритиш;

янги йўналишлар ва мутахассисликларни киритиш учун бакалаврият ва магистратуранинг қабул квоталарига ўзгаришлар киритиш; иқтисодиёт тармоқлари, жумладан, республиканинг олис ва бориш қийин бўлган худудлари учун мутахассисларга бўлган ўринли эҳтиёжларни қондириш мақсадида олий таълим муассасаларининг бакалаврият ва магистратурасига тегишли тармоқлар ва худудлар бўйича мақсадли қабул кўрсаткичларини белгилаш.

Шунингдек, 2017/2018 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларига тўлов-контракт пулининг оширилган ставкаси бўйича қўшимча қабулни амалга ошириш жорий этилмоқда.

Бунда: олий таълим муассасаларига тўлов-контракт пулининг оширилган ставкаси бўйича қўшимча қабулни амалга ошириш учун квота микдори таълим муассасасининг мавжуд имкониятлари ва таълим йўналишларидан келиб чиқиб Давлат комиссияси томонидан белгиланиши;

қўшимча қабул бўйича тўлов-контракт пулининг оширилган ставкаси абитуриентлар тўплаган балларга қараб Давлат комиссияси томонидан дифференциялашган тартибда белгиланиши;

тўлов-контракт пулининг оширилган ставкаси бўйича қўшимча қабул ўтиш балини тўплай олмаган абитуриентларга тўплаган балига мувофиқ (68 балдан кам бўлмаган) кетма-кетлик тартиби қатъий сақланган ҳолда, уларнинг оширилган контракт пулини тўлай олиш имкониятидан келиб чиқиб амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

Қарорнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, кадрларни мақсадли тайёрлашнинг асосий бююртмачилари ҳисобланган Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, вазирлик ва идораларга олий таълим муассасалари битирувчиларининг улар ўқиб эгаллаган касбига ва тузган шартномаларига мувофиқ иш билан бандлигини таъминлаш, жумладан, республиканинг олис ва бориш қийин бўлган худудларига ишга йўлланма олган олий таълим муассасалари битирувчилари учун муносиб меҳнат ва ижтимоий-маиший шарт-шароитлар яратиш юзасидан жавобгарлик юкланган.

Бир сўз билан айтганда, ушбу қарорда белгилаб берилган мақсад ва вазифалар юқори малакали мутахассисларни тайёрлашга хизмат қилади, 2017—2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг стратегик ривожланишининг бешта устувор йўналиши доирасида олиб борилаётган ислохотларни изчил амалга оширишга замин яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ХАЛҚАРО АЭРОПОРТГА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

3. Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси, Давлат божхона қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Тошкент шаҳри ҳокимлиги билан биргаликда қуйидаги устувор вазифаларнинг амалга оширилишини таъминлайдиган Комплекс чора-тадбирлар дастурини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун тақдим этсин:

режим-қўриқлаш чора-тадбирлари тизимларини такомиллаштириш, шунингдек, аэропортда замонавий, шу жумладан, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ҳисобига йўловчиларнинг божхона, чегара ва иммиграция тартиботларидан ўтиш вақтини қисқартириш; мавжуд таркибни танқидий таҳлил қилиш ҳамда божхона, чегара ва иммиграция хизматлари, ички ишлар органлари ва аэропортда хизмат кўрсатиш инфратузилмаси ходимлари барча тоифаларини танлашга нисбатан талабчанликни ошириш, улар томонидан хизмат ваколатларининг ҳар қандай

тарзда суистеъмол қилинишининг олдини олиш ва уларга барҳам бериш;

пойтахтга ва республикага келадиган йўловчилар, меҳмонлар ва хорижий делегацияларга хизмат кўрсатишнинг юқори даражасини таъминлаш, Ўзбекистоннинг бош ҳаво бандаргоҳида ўзбек халқига қадимдан хос бўлган самимий илтифот ва меҳмондўстлик мухитини яратиш;

зарур қулай шарт-шароитларни яратишни назарда тутган ҳолда аэропортнинг тегишли инфратузилма хизматлари фаолияти самарадорлигини таъминлаш, йўловчиларга хизмат кўрсатиш ва уларнинг бағажи билан ишлашнинг технологик жараёнини оптималлаштириш;

кузатиб қолувчилар ва кутиб олувчилар учун зарур шарт-шароитлар яратиш, махсус ажратилган худудда автотранспортлар тўхташ жойларини ташкил этиш, ободонлаштириш масалаларини комплекс ҳал этиш;

аэропортнинг барча хизматлари фаолияти самарадорлиги ва сифатини ошириш, шунингдек, йўловчиларга хизмат кўрсатишнинг янада қулай шарт-шароитларини яратиш учун илғор хорижий тажрибани ўрганиш ва жорий этиш.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 4 май

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2017 йил 4 майдаги ПҚ-2950-сон қарорига илова

Тошкент халқаро аэропорти инфратузилмаси фаолияти самарадорлигини янада ошириш ҳамда йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифатини тубдан яхшилаш бўйича Махсус комиссия таркиби

Арипов А.Н. — Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, Комиссия раиси

Раматов А.Ж. — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, Комиссия раисининг ўринбосари

Комиссия аъзолари:

Тян В.Н. — "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпаниясининг бош директори

Азизов А.А. — Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири

Комилов А.Х. — Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири

Хўжаев Б.А. — Ўзбекистон Республикаси молия вазири

Фаниев Э.М. — Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо вазири

Муратов М.М. — Ўзбекистон

Республикаси маданият вазири

Эминжанов Р.О. — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати раисининг ўринбосари — чегара кўшинлари қўмондони

Тоҳирий В.М. — Давлат божхона қўмитаси раиси

Шарапов А.К. — Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси

Усманов Р.Ж. — Тошкент шаҳри ҳокими

Махкамов И.Р. — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари ахборот-таҳлил департаментининг мудир, комиссия котиби



9-may — Xotira va qadrlash kuni

Ватанимга хизмат қиламан!

— дейди ҳарбийлаштирилган махсус мактаб-интернат курсантлари

Тонг саҳарлаб бўй-бастига кўра бир текис саф торган ўғлонлар янги кунни 40 дақиқалик эрталабки бадантарбия машғулоти билан бошлайди. Сафланишдан сўнг билимга чанқоқ ёшлар командирининг кўрсатмасига биноан машғулот хоналарига йўл олади. Бу масканда ҳарбийлик дадла ва мардонавор саф қадамин, жисмоний тайёргарлик сингари армия ҳаётининг хусусиятлари умумтаълим мактаби дастури билан уйғуллаштирилган. Жисмонан чиниққан, руҳан тетик йиғишлар юрт ҳимояси учун чинакам посбон бўлишга қодир.



Ички ишлар вазирлигига қаршли пойтхатимиздаги "Жар" спорт-соғломлаштириш комплекси ҳузуридаги ҳарбийлаштирилган махсус мактаб-интернатда таълим-тарбия олаётган 200 дан зиёд ўқувчи қалбиде ҳам ана шу истак жўш уради. Қатъий интизом асосидаги беш йиллик (5—9-синф) таълим улар кўзлаган мақсад рўйбига мустаҳкам замин яратеди.

Биринчи Президентимиз Ислол Каримов ташаббуси билан ташкил этилган ҳамда ёш авлодни ҳарбий хизматда муносиб тайёрлашда муҳим аҳамият касб этаётган бундай ҳарбий таълим масканларида таълим олиш ҳар бир ўсмирнинг орзуси, мақсадига айланса, ажаб эмас. Зеро, ёшларимиз ҳар томонлама камол топадиган матонат ва жасорат мактаблариде ўқишга муяссар бўлаётган соғлом ва бақувват, маънавий дунёқараше теран курсантларга халқимиз, давлатимиз ишонади, суянади.

Юз-кўзида ҳарбийликка ҳавасу иштиёқ ўти порлаб турган бу болаларнинг аксари хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ҳамда кам таъминланган оилалар фарзандларидир.


Болалар кун бўйи машғулотлар билан банд. Тушликкача улар белгиланган давлат стандартларига мувофиқ умумтаълим дастурини ўзлаштиради. Сўнгра ҳарбий тайёргарлик бўйича зарур билим ва кўникмаларни эгаллайди, ҳарбий-ватанпарварлик йўналишидаги фанларни ўрганади.

Педагогик жамоа, яъни офицерлар ёшлар билан ишлашда катта тажрибага эга. Улар ўқувчиларга тартиб-интизомни ўргатади. Жонли суҳбат, зарур маслаҳатларга асосланган дарслар ўқувчилар

учун муҳим.

— Фаолиятимиз, барча саъй-ҳаракатларимиз ўқувчиларни ўз юртига садоқатли, ватанпарвар этиб вояга етказишга қаратилган, — деди ҳарбийлаштирилган махсус мактаб-интернат бошлиғи, майор Ансаб Саидалимов. — Бу вазифани адо этиш ҳар бир ўқитувчининг энг асосий бурчларидан биридир. Машғулотларни имкон қадар армия ҳаётига мослаштириб ўқитишга ҳаракат қиламиз. Натижада ҳар бир бола бир-бирига ёрдам беришга интилади, турли мусобақаларда ўз таълим муассасаси шарафини ҳамжиҳатликда муносиб ҳимоя қилади. Айни пайтда ўзининг мустақил дунёқарашини ҳам шакллантириб, мард ва жасур бўлиб улғайди.

Рота командири, сержант Даврон Шаймановнинг таъкидлашича,



ўқувчиларда ҳарбий кўникмаларни мустаҳкамлаб бориш учун умумтаълим фанлари билан бирга "Армия кўл жанги", "Юрт посбони, Ватан келажакимиз" каби сабоқлар ўтилади. Шунингдек, ўқув муассасаси қошида курсантларнинг қизиқишига кўра таъқвондо, муайтай, дзюдо, самбо, сузши секциялари фаолият кўрсатади. Шинам ётоқхона,

кең ошхона, саф тайёргарлик бўйича машғул олди бориш майдони ўқувчилар ихтиёрида.

— Келажакда олий ҳарбий билим юртига ҳужжат топшириб, отамдек мустақил Ўзбекистонимизнинг содиқ посбони бўлмоқчиман, — деди биз билан суҳбатда 8-синф ўқувчиси курсант Ёдгор Дилмуродов. — Бунинг учун барча фанларни аъло баҳоларга ўзлаштириш баробарида самбо, дзюдо билан мунтазам шугулланаяман. Менга бу ер жуда ёқади, устоларимдан кўп нарсая ўргандим, дўстлар орттирдим.

Мазкур таълим муассасасини 2002 йил битирган болаларларнинг аксарияти ҳаётини шарафли касб — она Ватан ҳимоясига бағишлади. Бугун улар Ички ишлар вазирлиги бўлиналари, Мудофаа вазирлиги ва бошқа муҳим ижтимоий-сиёсий тўзимларда сидқидилдан, виждонан хизмат қилмоқда.

Яқин кунларда ушбу ўқув масканида навбатдаги битирув маросимига бағишланган тантаналар ўтказилади. Махсус мактаб-интернат битирганлик тўғрисидаги шаҳодатнома олишга шай 63 нафар курсант жонажон Ўзбекистонимизга ва буюк болаларимизга муносиб ўғлон бўлиш орзусида энг шарафли вазифа — юртга қалқон бўлиш ишини давом эттиради, эл хизматида янада маҳкам бел боғлайди.

Фарзандларининг улғайиб камол топиши ота-оналар учун бир бахт бўлса, уларнинг она юртга довирак посбон, мард ўғлон бўлиши юз карра саодатдир.

Дилшод РЎЗИКУЛОВ,
"Ma'rifat" мухбири
Бурҳон РИЗОКУЛОВ
олган суратлар.

Исон хотира ва қадр билан улғу. Утганлар руҳини шод этиш, кексалар кўнглини кўтариб дуосини олиш халқимизга хос эзгу фазилат. Мамлакатимизда нурунийларга, айниқса, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фронторти меҳнат фахрийларига кўрсатилаётган юксак эътибор, ҳурмат ва ғамхўрлик фикримизнинг ёрқин исботидир.

Фахрийлар — мактаб меҳмони

9 май — Хотира ва қадрлаш кунидан Тўрткўл туманидаги 23-мактабга Рўзимбой Собуров, Олимбой Султонов, Абдулла Атаев, Сейтназар Матназаров каби фахрий педагог ва маҳалла фаоллари таклиф этилди. Нурунийлар уруш даври машаққатлари, унинг оғир оқибатлари, ватандошларимиз кўрсатган жасорат, тинч ва фаровон турмушимиз ҳақида сўзлади.

Тадбир иштирокчилари Шўраҳон овул фуқаролар йиғини ҳудудиде истикомат қилаётган уруш қатнашчиси 93 ёшли Машариф ота Фармонов хонадонига бориб, бобони байрам билан кутлашди.

— Урушни эсласам этим жунжиқади, — дейди Машариф бобо. — 1942 йили фронтга жўнаб, Орлов ва Беларусдаги жангларда бўлдим. Уруш даҳшатлари кўз ўнгимда. Фронтдан эсон-омон оиламиз бағрига қайтиш энг катта орзумимиз эди. Яратганга шукр, Ватанимга қайтдим, мустақиллик даврининг улғу неъматларидан баҳраманд бўлдим. Дориломон кунлар, халқимизнинг фаровон турмушига кўз тегмасин! Фарзанд ва невараларимга доимо бир гапни айтаман: ҳаётнинг қадрига етинг, обод ва осойишта Ватани кўз қорачиқдек асран!

Машариф бобого барча Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари сингари Президентимизнинг қарорига мувофиқ икки миллион сўм пул ва навбатсиз энгил автомобиль олиш ҳуқуқини берувчи сертификат топшириди.

— Бобо ва бувижонларимизга кўрсатилаётган юксак эътибор уларнинг ёшига ёш, умрига умр кўшиб, кўнглини тодек кўтармоқда, — дейди 23-мактаб ўқувчиси Гўзал Комилова. — Уларнинг умр йўли, билим ва тажрибаси биз ёшларга ибрат мактабидир. Нурунийлар билан ўтказилаётган учрашувлар ўқувчиларни дориломон кунларнинг қадрига етишга, яъни ўқиб-излашга чорлайди. Кексаларнинг босиб ўтган умр йўли ёшлар учун сабоқ бўлса, бунинг ҳикмати ўзгача.

Ўқувчилар тайёрлаган кўнгилочар саҳна кўриниши, Ватани, тинчлик ва фаровонликни улғуловчи куй-кўшиқлар тадбирга жўшқинлик бағишлади.

Несибели МАМБЕТИРЗАЕВА,
"Ma'rifat" мухбири

Эъзоз-эҳтиромдан нурафшон диллар

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 4 апрелдаги "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги фармони ҳамда "Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ вилоятда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фронтти фахрийларига юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатилиб, моддий-маънавий қўллаб-қувватланмоқда.

Мазкур ҳужжатларга мувофиқ, вилоятда 110 дан ортиқ уруш фахрийларига Президентимиз номидан 2 миллион сўмдан пул мукофоти, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган энгил автомобиллардан навбатсиз харид қилиш ва биринчи, иккинчи техник хизмати бепул кўрсатиш бўйича муддатли сертификатлар топширилди. Бойсун туманида 10, Шўрчи туманида 2, Олтинсой ва Шеробод туманларининг ҳар бирида 1 нафардан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг уйда таъмирлаш-ободлаштириш ишлари бажарилди. 2 нафар уруш фахрийсига замонавий массивларда барпо этилган намунавий уй-жой соғма қилинди.

— Йил 93 да, — дейди Қизирик туманида яшовчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Маматали бобо Эсонов. — Очарчиликни кўрдик. Қирғинбарот урушининг азоб-уқубатларини бошдан ўтказдик. Даҳшатли жанг майдонларидан омон-эсон қайтишимизнинг ўзи бир давлат деб, тикланиш йилларида ҳам биримиз икки бўлмай меҳнат қилдик. Мустақиллик йилларидагина ҳақиқий эъзоз-эҳтиромга эришдик. Вилоят ҳокимининг ўзи хонадонимизга келиб, давлатимиз раҳбарининг бизга йўллаган табриғи ва бошқа совғаларини топширдик. Кармаки массивида қурилган замонавий уйлардан бирини

тўхфа қилди. Янги уйда барча шариот муҳайё. Энди "Бобо, Тошкентга ҳам бир айланиб келасиз, катта байрам тадбирида қатнашасиз", дейишмоқда. Бу таклифдан бошим кўкка етди. Шу кунларда ўзимни ёшарангдек ҳис этиб, пойтхатга боршини сабрсизлик билан кутаяман. Бундай юксак эътибор ва ғамхўрлик учун давлатимиз раҳбаридан, ҳукумати-миздан беҳад миннатдорим.

Кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликдан Термиз шаҳридаги Наврўз маҳалласида яшовчи Жўра бобо Ашуров ҳам гойд манману.

Муддатли ҳарбий хизмат даври Иккинчи жаҳон урушига боғлиқ кетган Жўра бобо Ашуров бу йил 97 ёши қарши олди. Бир аср остонасида турган бобо ҳали тетик, фикри тиник. Чехрасида бугунги дориломон ҳаётдан шукроналик ҳисси балкиб турибди. 4 фарзандни тарбиялаб, вояга етказган пиру бадавлат отахон 12

невара, 25 чеваранин г суюкли бобоси.

Жўра бобо дастлаб Москва остоналарида жанг қилган. Беларусь, Латвия, Литва, Польша давлатлари ерларини душмандан озод этишда қатнашиб, жасорат кўрсатган. Берлин шаҳри учун бўлган жанглардан бирида оғир ярадор бўлиб, контузия олган.

— Жанг майдонига тушганимда 21 ёшда эдим, — дейди Жўра бобо Ашуров. — Уч марта контузия олганман. Урушининг сўнги кунлари Берлин учун бўлган жангда каттик яраланиб, ҳарбий госпиталга тушиб қолдим. Соғлиғим тиклангач, юртга қайтишимга рухсат берилди. Лекин, йиғитлик ори йўл бермади. Бу таклифдан воз кечиб, яна жангга отландим. Бир йилдан кўпроқ вақт ўтибгина уйга қайтдим. Узок йиллар таълим тизимида ишладим. Бизга кўрсатилаётган эътибордан жуда хурсандим. Совга-саломларнинг адоғи йўқ. Навбатсиз

енгил машина харид қилиш учун махсус ҳужжат, Президентимизнинг табрик мактуби, пул мукофоти ва бошқа совғалар... Тошкентда ўтказиладиган байрам тадбирига ҳам таклиф этишган. Буни эшитган невараларим ҳазиллашиб, "Бобо пойтхатдан совгага тагин ширинлик олиб ўтирманг, қанд-курс ўзимизда ҳам сероб. Эсингиздан чиқмасин, бизга қўл телефонли олиб келасиз", деб буюртма қилишди. Қаранг, биз болаликда отабобимиз сафарга чиқса, токи қайтиб келгунча эсон-омон келишини сўраб, хавотирда ўтирардик. Сафардан қайтгач, бир парча зогора нон берса ҳам қувониб, кўзимизга суртардик. Энди-чи? Юртимиз тинч, дастурхонимиз тўкин. Болаларнинг кўнгли ҳам, кўзи ҳам тўқ. Яратганга бехисоб шукр. Илоҳим, юртимиздаги тинчлик-хотиржамлик, тўкин-сочинлик ва меҳр-оқибатга кўз тегмасин.

Х.МАМАТРАЙИМОВ,
ЎЗА мухбири

Кўрик-танлов шартларидаги янгиликлар кутилмаган натижаларни келтириб чиқарди

Аввал хабар қилинганидек, шу йил 1—3 май кунлари энг ташаббускор, маҳоратли, фидойи педагогларни аниқлаш, уларнинг тажрибасини оммалаштириш мақсадида "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси — 2017" кўрик-танловининг республика bosqichi бўлиб ўтди.

Бу йил кўрик-танловни ўтказиш тартибига айрим ўзгаришлар киритилган эди. Жумладан, танловнинг туман(шахар) bosqichida 11 та фан бўйича республикамиздаги барча олий маълумотли ўқитувчилар иштирок этди. Яна бир муҳим жиҳати иштирокчилар билими онлайн-тест усулида синалди. Бу танловга барча ўқитувчиларни қамраб олиш билан бирга, уларнинг билим салоҳиятини аниқлаш имконини ҳам берди.

Афсуски, мониторинг натижаларига кўра, биринчи ва иккинчи bosqichlarda 11 та (қорақалпоқ тили ва адабиёти фани бўйича голиб худудда аниқланган) фан бўйича қатнашган 105 мингдан ортқ ўқитувчининг аксарияти паст натижа қайд этган. Натижада республика bosqichiga белгиланган 140 нафар педагог ўрнига 92 нафар ўқитувчи етиб келди, холос. Худудлар кесимида тахлил қилсак, Сурхондарё вилоятидан атиги 3 нафар, Қорақалпоғистондан 4 нафар, Навоий, Хоразм вилоятларидан 5 нафардан, Самарқанд, Сирдарё, Жиззахдан 6 нафар, Андижон ва Намангандан 7 нафардан, Бухоро, Фарғона ва Қашқадарёдан 8 нафардан, Тошкент шаҳридан 9 нафар ўқитувчи сўнгги bosqichga ўтиш учун қифоя қиладиган балларни жамғара олган, холос. Фақатгина Тошкент вилояти вакиллари тўлиқ таркиб билан иштирок этди.

Иштирокчилар сонини фанлар бўйича тахлил этганда ҳам шунга ўхшаш ҳолат кузатилди: кимё ва миллий истиқлол ғояси фанларидан 6 нафардан, француз тилидан 3, немис тилидан 4, информатика, тарих фанларидан 12 нафардан, физикадан 13, рус тили(таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактаблар учун)дан 9, рус тили ва адабиётдан 13 нафар талабгор қатнашган. Фақатгина математика фанидан тўлиқ жамоа — 14 нафар ўқитувчи бахшлашди.

Бундай ҳолат танловнинг кўйи bosqichlarida энг муносиб номзодлар саралаб олинмагани ёки фан




ўқитувчиларнинг билим даражаси пастлигидан далolat беради.

Кўрик-танловнинг Абдулла Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ ҳамда пойтахтимиздаги қатор мактабларда ўтказилган республика bosqichi ҳам кутилмаган натижаларга бой бўлди. Жақамлар хайъати номзодларни саралашга, уларнинг иштирокини баҳолашга ўта жиддий ва холисона ёндашгани сезилиб турди. Бошқача қилиб айтганда, энг мохир, энг салоҳиятли педагогларгина мазкур нуфузли танловнинг сўнгги шартларига қадар етиб бора олди. Хусусан, дастлабки — тест топшириқларини бажариш шартидан сўнг етарлича балл тўплаган 42 нафар иштирокчи бахсларни давом эттириш учун рухсат берилди. 20 балдан паст натижа кўрсатган қолган педагоглар тадбирдаги иштирокини шу ерда тўхтатишга мажбур бўлди.

— Кўрик-танловни ўтказиш тартибига киритилган янгиликлар мен каби ёш, замонавий ахборот ва пе-



дагогик технологияларни пухта ўзлаштирган ўқитувчиларга кенг йўл очиб берди, десам адашмайман, — дейди Ромитан туманидаги 41-ИДУМнинг тарих фани ўқитувчиси



Yilning eng yaxshi fan o'qituvchisi — 2017

Феруз Деҳқонов. — Танловдаги иштироким ўзимга, билимимга ишончимни оширди. Айниқса, охириги шартда нотаниш синфда дарс ўтиб, педагог ҳар қандай вазиятда ҳам машғулота барча имкониятларни ишга солиши кераклигини англадим. Рус тили ва адабиёти (таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар учун), рус, немис, француз тили ўқитувчилари ўртасида бахслар ҳам қизғин бўлди.

— Ўтган йиллардагидан фарқли равишда бу йил ҳақамлар хайъати таркибига фақат олий таълим муассасалари ва малака ошириш институтлари профессор-ўқитувчилари жалб этилди, — дейди Республика таълим маркази мутахассиси Сулаймон Назаров. — Бу энг маҳоратли, иқтидорли, билимли ўқитувчиларни аниқлаш, меҳнатини эътироф этишга хизмат қилди. Назарий ва амалий билимлари юқори бўлган, ўқувчи билан тез тил топиша оладиган, уларни фаолликка ундайдиган, дарсда АКТ ва янги таълимий методларни усталик билан қўллаш оладиган иштирокчиларгина голиб деган номга сазовор бўлди.

Жақамлар барча шартлар бўйича чиқишларни диққат билан кузатиб борди. Айниқса, очиқ дарсларни синчковлик билан тахлил этиб, ўқитувчининг дарсда барча ўқувчиларни қамраб олиши, ғуруҳлар билан ишлаши, энг мақбул педагогик усуллари танлашини эътибордан қочирмади. Масалан, досага сана ёзилмагани, хавфсизлик қоидаларига риоя этилмагани, орқа парталарда ўтирган ўқувчилар билан ишланма-

гани, ўқувчилар дарслик билан ишламагани ҳам педагогни баҳолашда инobatга олинди.

Натижада рус тили ва адабиёти фанидан республика bosqichida қатнашган 13 ўқитувчидан атиги 2 нафари, рус тили (таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактаблар учун) фанидан қатнашган 9 ўқитувчидан ҳам икки нафари сўнгги турга етиб келди.

Математика, физика, информатика ҳамда кимё фанлари бўйича очиқ дарслар Халқ таълими вазирлиги тасарруфидида аниқ фанларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабиде бўлиб ўтди. Математика, кимё фанлари бўйича икки, физика фанидан тўрт ҳамда информатика фанидан олти нафар ўқитувчи очиқ дарслар ўтишди.

— "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" кўрик-танловиде иккинчи марта иштирок этишим, — дейди Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳридаги 17-мактабнинг кимё фани ўқитувчиси Хилола Исроилова. — 8-синфларга "Ион алмашиш реакциялари" мавзусида очиқ дарс ўтдим. Кутилмаган педагогик вазиятларга олдиндан тайёргарлик кўрганим, ўз устимде ишлаганим шартини бажаришда энгиллик туғдирди.

Ўзига хос тарзда мурасазис ва кескин ўтган танлов голибларга қувонч бағишлаш билан биргаликда, педагогларни "энг яхши ўқитувчи" деган шарафли номга эга бўлиш учун ўз устиде янада жиддий ишлашга, маҳоратини оширишга, ўқувчилар билан самарали ишлашга ундаган бўлса, ажаб эмас.

Насиба ЭРХОНОВА,
Феруза ХОЛМУРДОВА,
Зилола МАДАТОВА,
"Ma'rifat" мухбирлари
Б.РИЗОҚУЛОВ ва В.ГРАНКИН
олган суратлар.

...Қизалоқ бобосига савол беради: "Бобожон, солиқларни ўз вақтида тўлаш нима дегани?". Опоқ соқоли кўксини қоплаган отахон набирасига солиқ тўлашнинг аҳамиятини соддароқ қилиб тушунтириш ҳақида ўйлаб бошлади. Кейин жавоб топди шекилли, мийғида жилмайиб: "Тўлаш солиқлар ойлик ва пенсияларни ўз вақтида тўлашга йўналтирилади. Биз у пулга сизларга эртак китоб, дафтар ва бошқа ўқув қуроллари олиб берамиз" деди.

Бу Тошкент солиқ коллежиде ўтказилган "Солиқ билимлари — болаларга" республика кўрик-танловининг якуний bosqichida иштирок этган Самарқанд шаҳридаги 30-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Ситора Худойбердиеванинг "Солиқ тўлаш — савоб иш" ҳикоясини парча.

Давлат солиқ кўмитаси томонидан Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда ўтка-

зилган танловнинг якуний bosqichida Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан 1-уринни эгаллаган иштирокчиларнинг солиқ соҳаси бўйича билимлари синовдан ўтказилди.

Умумтаълим мактабларининг 1—4-синф ўқувчилари учун "Солиқ мавзусининг суратлардаги тасвири", 5—9-синф ўқувчилари учун "Солиқ мавзусининг ҳикояларда акс эттирилиши", академик лицей ва касб-хунар коллежи

Солиқ билимлари — болаларга!

ўқувчилари учун "Ўзбекистон Республикасида солиқ сиёсати" мавзусида энг яхши иншо ҳамда "Солиқлар нимага тўланади ва нимага сарфланади?" мавзусида компьютерда энг яхши тақдироти хайъат аъзолари томонидан баҳоланди.

— Солиқ саводхонлиги ёшлар онгига шу тариқа сингдириб борилса, улар онгли равишда солиқ тўловчига айланади, — дейди Давлат солиқ кўмитаси ахборот хизмати раҳбари Музаффар Назаров. — Мамлакатимизда таълим, тиббий хизмат имкониятларидан безул фойдаланиш, кексай-

ганда давлат пенсия таъминотидан баҳраманд бўлиш солиқларни вақтида тўлаш билан узвий боғлиқ эканини тушуниб етди. Танловнинг худудий bosqichlarida ўқувчи-ёшларнинг давлат солиқ хизмати органлари ходимлари билан бевосита мулоқоти ташкил этилди. Учрашуларда ёшларнинг солиққа оид билимлари ошириб борилди.

Тўрт йўналишда ўз билим ва маҳоратини намойиш этган ўқувчиларнинг ижодий ишлари мазмундор, иншо ва ҳикоялардаги гоё, суратдаги тасвирлар киши эътиборини тортади. Учқўрғон туманидаги 20-мактабнинг 4-

синф ўқувчиси Рухшона Эргашева чизган анор тасвирида ҳаётий маъно мужассам.

— Барака рамзи бўлгани учун анор дарахтини тасвирладим, — дейди иштирокчи. — Унинг илдиэларичи мулк, ер, даромад солиги каби ёзувлар бор. Ҳар бир киши солиқни ўз вақтида тўлаб борса, юртимиз бой бўлиб, янада ривожланади.

Танлов якунида ҳар бир йўналиш бўйича голиб ва совриндорлар ташкилотчилар томонидан диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Раёхона ХУЖАЕВА,
"Ma'rifat" мухбири

2017-yil 6-may, № 36 (8997)

Ўқув йили поёнига етмоқда:

Ким қайси касбни танлади?

Шербек болалигидан уйлари яқинидан ўтаётган поездларни томоша қилишни яхши кўради. Синфдошлар ўртасида келажакда қандай касбни танлаш ҳақида сўз кетса, Шербек темирўлчи бўлган, дейди қатъий. Аммо у ҳали тўлиқ тушунчага эга эмасди: темирўлчи бўлиш учун қаерда ўқиш керак?

Бу каби саволлар юқори синф ўқувчиларини ўйлантириши табиий. Хўш, бу борада таълим муассасаларида уларга қандай ёрдам кўрсатилаяпти? Ушбу саволга жавоб излаб, Республика ташхис маркази мутахассисларига мурожаат қилдик.

— 2016-2017 ўқув йилида 467019 ўқувчи республика мидаги умумтаълим мактабларининг 9-синфини тамомлайди. Шундан 228514 нафари (49 фоизи) қиз болалар. Ўқувчилар таълимнинг кейинги босқичини қайси академик лицей ёки касб-хунар коллежида давом эттиришини аниқлаш, зарур ёрдам ҳамда маслаҳат бериш мақсадида сўровномалар ўтказилди, — дейди Республика ташхис маркази мутахассиси Умид Умаров. — Сўровнома натижаларига кўра, ўғил-қизларнинг 44900 нафари (9,6 фоизи) академик лицейларда, 422118 нафари (90,4 фоизи) касб-хунар коллежларида ўқиш истагини билдирган. Академик лицейлар бўйича тақдир қилинганди 20028 нафар (4,3 фоиз) ўқувчи аниқ фанлар йўналишини, 6900 нафар (1,5 фоиз) табиий фанлар, 8332 нафари (1,8 фоиз) ижтимоий-гуманитар, 9260 нафари (2 фоиз) хорижий филология, 380 нафари (0,1 фоиз) санъат йўналишини танлаган. Касб-хунар коллежлари бўйича эса, 37946 нафар (8,1 фоиз) ўқувчи гуманитар соҳани, 23473 нафари (5 фоиз) ижтимоий соҳани, 50328 нафари ишлаб чиқариш ва техник соҳани, 55012 нафари (11,8 фоиз) кишлоқ ва сув хўжалиги йўналишини, 206785 нафари (44,3 фоиз) соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот йўналишини, 48574 нафари (10,4 фоиз) хизматлар соҳасини танлаган.

Айтиш жоизки, ўқувчиларни касб-хунар йўналтиришда мактаб психологининг вазифаси фақатгина сўровномалар олиш, тadbирлар ўтказишдан иборат эмас. Ҳар бир ўқувчига ўз фарзандидек муносабатда бўлиб, тақдирга дахлдорлик туйғуси билан ишлаш, вазифаларни ҳисобот учун эмас, орақдан, қалбдан бажариш талаб этилади. Аксарият ҳолларда синф раҳбари, мактаб психологи ўқувчи сўровномада қайси касбни танлаганига эътиборсиз бўлади. Гўёки сўровнома олиш билан унинг вазифаси якунлангандек. Аслида эса энг муҳим вазифа

шундан сўнг бошланади. Яъни, сўровнома натижалари таҳлил қилиниб, касб танлашга иккиланаётган ўқувчига тўғри йўл кўрсатиш, зарур маслаҳат бериш зарур. Аммо бу ишни бажаришга айрим муаммолар тўсиқ бўлаётганидан ҳам кўз юма олмаймиз.

Мисол учун, икки ёки уч минг нафар ўқувчиси бор таълим муассасасига ҳам битта мактаб амалиётчи психологи штати ажратилган. Бу мутахассис нафақат битирувчиларга, балки барча ўқувчиларга зарурият туғилганда ёрдам кўрсатиши зарур. Энди айтингчи, юқорида барча вазифаларни бажаришга шу биргина мутахассиснинг вақти ва имконияти етарми? Назаримизда муаммони ўрганиб, мактабларга психолог штати ажратишда ўқувчилар сонини эътиборга олиш лозим.

Бундан ташқари, айрим ҳудудларда ўқувчи танлаган касб бўйича мутахассис тайёрлайдиган касб-хунар коллежлари йўқ. Масалан, ўқувчи қурувчи ёки темирўлчи бўлмоқчи, лекин бу йўналишда мутахассис тайёрлайдиган муассаса бошқа туманда жойлашган. Ана шунда фарзанди бағрида бўлишини истаган ота-она биринчи бўлиб ўқувчининг хоҳишига қарши чиқади. Бундай вазиятда ўқувчининг орзуси ва лаёқати устунлик қиладими ёки ота-она хоҳиши? Мактаб психологи қандай йўл тутиши керак?

Мақолаимиз бошида келтирилган Шербек Курбонов билан ҳам шу каби ҳолат кузатилди. У Яккабоғ туманидаги 100-мактабнинг 9-синф битирувчиси. Орзуси — темирўлчи бўлиш. Лекин у яшайдиган ҳудуддаги коллежда бу йўналиш бўйича мутахассис тайёрланмайди. Вилоят марказидаги транспорт касб-хунар коллежида ўқишини эса ота-онаси хоҳламайди. Ўқувчиларни касб-хунар йўналтириш бўйича Қашқадарё вилоятида олиб борилаётган ишлар билан танишув ҳам жараёнида бу муаммага психолог қандай ечим топгани билан қизиқдик.

— Мактабимизда бу йил 17 нафар ўғил-қиз 9-синфини тамомлаб, таълимнинг навбатдаги босқичига йўл олади, — дейди Яккабоғ туманидаги 100-мактабнинг амалиётчи психологи Муряссар Умирова. — Ўқувчилардан бири Шахрисабз тиббиёт коллежида, қол-



ганлари туманимиздаги касб-хунар коллежларида тахсилни давом эттириш истагида. Болаларни касб-хунар йўналтиришга бошланғич синфлардан оқ киришамиз. Кимдир касб-хунар танлашда иккиланса ёки муаммага дуч келса, синф раҳбари ва ота-оналар билан ҳамкорликда зарур маслаҳат берамиз. Гоҳида ўқувчиларни касбга

— Ўқувчиларни касб-хунар йўналтириш ишларида мактаб билан яқин ҳамкорлик олиб бормоқдамиз, — дейди Яккабоғ туманидаги "Оқтош" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Қурбонназар Кенжаев. — Бу борада маҳалла фалолари билан биргаликда ёшларга энг аввало ўзлари яшаётган ҳудуддаги касб-хунар коллежида ўқишни давом эттириб, ота-оналари бағрида касб-хунар егаллашни маслаҳат берамиз. Чунки ўқувчи куннинг ярмида коллежда, қолган қисмида оила назоратида бўлади. Бу ота-она учун иқтисодий қўлайлик ҳам яратди.

Косон тумани ХТМФ-МТТЭБ ўқувчиларни касб-хунар йўналтириш ва психологик-педагогик диагностикаси методик таъминлаш кичик ғуруҳи раҳбари Фолиб Ўриновнинг таъкидлашича, бу йил туман мактабларида 4654 нафар ўғил-қиз 9-синфини тамомлайди. Уларнинг 3664 натиш йўналишига хужжат топширишини таклиф қилдик. Бу ерда ўқиб, кейинчалик ўзи хоҳлаган йўналиш бўйича олий ўқув юртига кириши мумкинлигини тушунтирдим. Ўқувчи туманимизда ўқишни давом эттиришга рози бўлди. Бу ота-онасига ҳам маъқул.

— Мен келажакда телерадио ва компьютер соловчиси бўлмоқчиман, — дейди тумандаги 77-умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси Ойбек Турдиев. — Чунки бугунги кунимизни телерадио ва компьютер техникаларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шунинг учун Яккабоғ санот ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежининг радио-техника йўналишига хужжат топширмоқчиман.

Ўқувчи ёшларни касб-хунар йўналтириш, уларни таълимнинг кейинги босқичига тўлиқ қамраб олиш ишларида таълим муассасаси ота-оналар ва маҳалла билан яқин ҳамкорлик ўрнатган.

психологи Муҳайё Ёкубова. — Битирувчилардан ўқув йили давомида уч марта сўровнома олдик. Бундан ташқари, меҳнат фахрийлари, илғор касб эгалари билан ҳам учрашувлар ташкил эътапмиз. Бунинг самараси ўларок, уларда касб танлаш борасида қатъий фикр шаклланимоқда. Аслида ҳар бир ўқувчининг бошланғич синфдаёқ қайси касбга қизиқиши атрофлича ўрганиб борилади. Юқори синфга боргунга қадар ота-она ва мактаб ўқитувчилари билан бирга олинган ёзма ишлар, сўровнома ва анкеталар орқали эгаллаши мумкин бўлган касб ёки қизиққан соҳаси аниқланади. Савод чиқаришга оид фанларда турли касблар билан таништирилади. Фанларнинг пухта ўзлаштирилиши ҳам ўқувчи қалбида илк уйғонган қизиқиш, касбга мойилликни мустаҳкамлайди.

Ўсмирлик даврида фикрлар ўзгарувчан бўлади. Касб танлашда оилавий муҳит, ён-атрофдаги кishiларга ҳавас ўқувчига таъсир кўрсатади. Амалиётчи психолог мунтазам равишда ўқувчилар ўртасида "Ким бўлсам экан?", "Мен танлаган касбнинг келажак ҳаётимдаги ўрни", "Касбим — фахрим" мавзуларида ишончли танлови ўтказмоқда. Шу мавзуларда давра сўхбатлари, савол-жавоблар йўлга қўйилган. Тадбирларда ота-оналарнинг ҳам иштироки таъминланмоқда.

— Ўқувчиларнинг ҳулқ-атвори бир-бирига ўхшамайди. Ўғил болаларнинг аксарияти отаси билан, қизлар эса онаси билан фикрлашади. Яна бир тоифадаги ўқувчилар кўпроқ синф раҳбари ёки амалиётчи психолог билан ўртоқлашади, — дейди Муҳайё Ёкубова. — Шунинг ҳисобига олиб, қизлар ўртасида тарғибот ишларини янада жонлантиришда маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда учрашувлар ташкил этилмоқда. "Қиз боланинг касби — унинг бахтидир", "Саранжом қиз — саришта қиз" каби мавзулардаги тадбирларда қизлар зарур маслаҳатлар берилаяпти. Бу борада мактабдаги "Ораста қизлар" клуби, "Камолот" ЁИХ туман бўлими билан ҳам ҳамкорлик йўлга қўйилган. "Касбим билан жамиятга хизмат қиламан", "Бир йилгитга қирқ хунар оз", "Диплом билан бизнесга" каби мавзулардаги касбий маслаҳат ва тавсиялар ўғил-қизларнинг эртанги ҳаётини белгилаб олишида асқотмоқда.

Ўқтам МЕЙЛИЕВ,
Орифжон СИДДИКОВ,
"Ma'rifat" мухбирлари

Kasbga yo'naltirish

Киз боланинг одоб-ахлоқи, ақл-фаросати, меҳнаткашлиги ва серғайратлиги, ширин муомаласи ва тадбирлиги оилавий ҳаётда муҳим ўрин тутлади. Ўзбек халқи киз бола тарбиясига қадим-қадимдан жиддий эътибор қаратиб келади. Зийрак, энцил, пазанда ва фаҳм-фаросатли киз оилавий ҳаётда ҳам асло қоқилмайди. Жамият тараққий этгани сари қизларимиз юриш-туришида ноҳайит хатти-ҳаракатлар кузатилаётгани бизда афсус-надомат уйғотмоқда. Таълим масканига билим олиш учун эмас, балки ясан-тусан қилиб, қимматбахо кийимини кўз-кўзлаш учунгина бориб келадиган, ота-онанинг меҳнату машаққат билан топан даромадининг қадрига етмайдиган қизларнинг учраши жамиятимиздаги оғриқли нуқтадир. Буни бартараф қилиш ўқитувчиси, мактаб психолога ва ота-онанинг доимий ҳамкорлигини талаб этади.

Тарбияли киз

Оилада киз фарзанд дунёга келиши ота-онанинг қувониғи. Онанинг кўз олдига чақалоқ ҳаёли ва ибони киз, гўзал келинчақ бўлиб гавдаланади. Унга боқиб, ширин орзуларга берилади. Киз болани тарбиялаб ўстириш — келажак тарбиячиси ва онани камолга етказиш демокдир.

Усмрлик даври киз бола тарбиясида гоятда муҳим қувонч. Халқона айтсак, ота-она уни "Оқ қандай авайлаб, гард юктирмай ўстиради". Бу жуда нозик ва ўринли ўхшатиш. Чунки оққанда бирор гард юкса, тозалаш қийин. Киз бола номига илашган доғ ҳам худди шундай.

Кизнинг хусни — бойлик, ақли — ҳазина. Улуғ ҳаким Абу Али ибн Сино "Инсонда доим турадиган хусн ва лағофат ҳаё ила ифбатдир. Ҳаёсиз юз жонсиз жасад кабидир", деган. Дарҳақиқат, одамни ўзига тартадиган, истарасини иссиқ кўрсатадиган кишининг ҳаёсизлиги, ифбатидир. Сукрот "Кизларнинг энг гўзали ҳаё ва ифбат пардасига ўралганидир", дея бежиз таърифламаган. Ҳақиқатан, киз бола каламқош, шахлокўз, узун соч, келишган, сулув бўлсаю, шарм-ҳаёси бўлмаса, уни ҳеч қим гўзал дея олмайд.

Ифбатли киз ўзига ўта талабчан, андишали бўлиб, кийиниш, юриш-туриш, муомала ва муносабатда ўз шаънига ярашқили иш тутлади. Эр-кактлар бор жойдан ўзини чета га олади. Булар-бўлмасга озгининг танобини қочириб, табассум "ҳадя" этаквермайди. Ҳар бир қадамини ўйлаб, ўлчаб босади.

Ҳар бир она кизига: "Болам, ишда ҳам, сўзда ҳам тўғри бўл. Тўғри сўзли, аёло хулқли бўлсанг, шудир менга муқофот! Уғил ўстираётганлар киз болани кузатиб юрадилар. Агар хулқи хуш, қадами тўғри, сўзи ширин қиз бўлсанг, яхши хонадоннинг келини бўлиб, уни обод қиласан! Буни унутма", дея насиҳат қилади, ҳаётий ҳикоялар сўзлаб беради. Масалан:

"Кўшимизнинг кизи бўларди. У билан калин ўртоқ эдик. Онам шаҳарга, бегоб холамини кўргани кета туриб, "Уртоғингни чақира қол, бирга дўппи тикиб ўтирасизлар", деди. Дарров Умрини чақириб чиқдим. Иккаламиз аллама-қалгача дўппи тикдик, қорнимиз очди. Чой қўйиш учун ошхонага чиқдим. Чой дамлаб келганимда, Умри бесаранжом ҳолатда менга қараб "Уйга

Dolzarb mavzu

нинг касби — унинг бахти", "Кизлар камолотида касбининг ўрни" мавзуларида Республика таълим маркази томонидан тавсия этилган сценарий асосида давра сўхбатлари ўтказилди. Уларда жами 467019 нафар ўқувчи киз иштирок этди.

Бу тадбирларга умумтаълим мактабларининг фахрий ўқитувчилари, ўз касбининг моҳир усталари, туман(шаҳар) хотин-қизлар қўмитаси, академик лицей, касб-ҳунар колле-

чиқа қолай, оймидан дакки эшитмайин", деди. Мен уни ўтказиб, кўярда-қўймай чой тутдим.

Эртаси куни онам кўшнанинг тўйига бориш учун сома са ёлди. Кийиниб бўлган, "Узугимни олиб чиқ, қизим", деди. Қарасам, узук жойида йўқ, қидириб тополмадим. Чики бола онамга айтсам, хайрон бўлиб:

— Кечагина жойида турганди-ку, — деди.

Шу пайт кўшнимиз — Умрининг ўғай онаси Сапура хола чиқиб қолди. Воқеани эшитиб:

— Вой яшшамагур, бугун эрта билан кизимнинг кўчмасидан узук тушиб кетувди. Қарасам, бегона тақинчоқ. Менга кўрсатмай, отаси ўлгур олиб бергандир-да, деб ўйлабман. Сизники экан-да, — деди.

Сапура хола ўғайлигига бориб дугонанинг айбини фош этиб қўйди. Онам ҳангу манг. Кўшнилари кўли ёқасида. Яқин дугонанинг кингир ишидан мен ҳам хайрон қолдим. Шу воқеадан сўнг бу кизнинг оти "Ўғри" бўлиб қолди. Бўйи етгач, эшигига совчилар йўлама қўйди. Хулосани ўзинг ясарсан, жон қизим!".

Киз бола табиий чиройи билан кўпчиликка ёқади. Баъзи кизлар сиртига оро бериб, шарму ҳазели унутадилар. Ўзича "Ўзгалман, ҳамманинг кўзи манда" деган ўй билан товусона юриш қилган киз атрофдагиларда ёқимсиз таассурот қолдираётганларига кўзи қилиб қаради. Баъзи кизлар сиртига оро бериб, шарму ҳазели унутадилар. Ўзича "Ўзгалман, ҳамманинг кўзи манда" деган ўй билан товусона юриш қилган киз атрофдагиларда ёқимсиз таассурот қолдираётганларига кўзи қилиб қаради. Баъзи кизлар сиртига оро бериб, шарму ҳазели унутадилар. Ўзича "Ўзгалман, ҳамманинг кўзи манда" деган ўй билан товусона юриш қилган киз атрофдагиларда ёқимсиз таассурот қолдираётганларига кўзи қилиб қаради.

Мамлакатимиз таълим муассасаларида ўсмр кизлар тарбиясига жиддий эътибор қаратилиб, уларнинг одоб-ахлоқи, касб-ҳунар эгаллаши бўйича қатор лойиҳалар амалиётга татбиқ этилмоқда. Барча мактабда "Ортак кизлар" тўғриси бор, унга бошланғич синф ўқувчилари ҳам аъзо. Ҳар ўқув йилида Халқ таълими вазирлиги томонидан 9-синфни битираётган қизларнинг академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида тўлиқ ўқишини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилади. Хусусан, жорий йилнинг 6—11 февраль кунлари Қорақалпоғистон Республикаси Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги барча таълим муассасалари 7—9-синф ўқувчи қизлари ўртасида "Киз бола-

Фарҳод БОТИРОВ,
Ўқувчилари касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик педагогик Республика таълим маркази методисти,
Шаҳодат ҚОСИМОВА,
Юнусобод туманидаги 273-умумтаълим мактаби ўқитувчиси

Эртаклар ҳаётдан олинган экан

Болалигимда тезроқ оқшом чўкишини иштиқ бўлиб кутардим. Уйку олди-дан онам айтмаган эртакни тинглагим келарверди. "Зумрад ва Қиммат", "Эрилташ" ва "Уч оғани ботирилар"... Ҳаёлан гоҳ Зумрад билан қийикчага ёрдам берар, гоҳ Қимматнинг қилмишларидан жаҳлим чиқарди.

Укам мактабдан "уч" баҳо олиб келди. Рус тили фанидан янги сўзларни ёддан айтиб беролмабди. Ота-онам бундан хафа. Ахир, шу вақтгача тўрт қиздан ҳеч биримиз "тўрт" баҳо ҳам олмаганмик. Онамнинг юзи тунд, эртак айтишга хоҳиши йўқ. Ҳаётдан укамдан жуда хафа бўлганман. Бировнинг айби учун ҳамма бирдек жавоб бериши адолатсизлик эмасми? Кейин билсам, бу биз фарзандларни бирдамликка ўргатиш учун онам ўйлаб топган тадбир экан. Бу жазо орқали

нинг ўзига нисбатан ишончини ошириб, янада баландлик марралар сари ундайди. Лекин бу оддий ҳикмат маъносини ўқиш учун инсон ўзидаги сифатларини бир-бир кўз олдига келтириб мушоҳада қила олиши даркор. Одамизода бундай қувватнинг қарор топтоми эса фақат мутолаа билан ҳосил бўлади. Ёзувчи Назар Эшонкулнинг қуйидаги фикрларига эътиборингизни қаратмоқчиман: «Китоб инсон тафаккурига, ид-рокига қанот ва қувват беради. Китоб нури ёритмаган онг эса фақат жисм, фақат қорин ҳақида ўйлайди. Китобсизлик — ёввойилик, ёввойилик билан ёнма-ён, бирга яшайди». Бу фикрнинг бир исботини кўча-қўйда ўзини тутишни эплолмаган, ҳар қандам-да писта қақиб, кимдир шу йўлларни ҳар куни супуради, у балки онам балки онам ёки синглим тенгизди», дея мулоҳаза юритишга қодир бўлмаган кимсаларнинг ҳатти-ҳаракатида кўриш мумкин.

...Яқинда бир китобни қўлга олдим. Шоирларнинг онани улуглаб ёзган шеърлари го бўлган экан. Ўқиб волидаи муҳтарамаларимизга эъзозим, эҳтиромим янада орди. Кўча-қўйда, айниқча сир-биррига ҳазил аралаш она сўзини қўшиб сўқиниб шу ҳақоратомиз гапидан тўё кимнидир мат қилгандек кўкрак керувчи каслар шундай китобларни мутолаа қилса эди?! Балки қанча хатою гуноҳларга чек қўйлармиди? Афсуски, бундай эҳтиёж таълимни ҳам сезмай ўтиб кетаётганлар орамизда йўқ эмас.

Дўконтга фарзандингиз учун китоб сотиб олишга кирганда уни ибрат бўлиш учун аввало ўзингизга ҳам бу бебаҳо дурдоналардан харид қилинг.

Сайёра БОБОНАЗАРОВА,
Сергели туманидаги 304-мактаб ўқитувчиси

Siz nima deysiz?

Халқимизда пул муомаласи бўйича ўзига хос анъаналар мавжуд. Бу ёшлар руҳиятида ҳам қандайдир даражада намоён бўлиб туради. Психологидея етти ёшгача пул муомаласи сингдирилмаган бола кўп ҳолларда ота-онасига панд бериш қўйиши мумкин, деган қарар бор.

Болага пул билан қандай муомалада бўлишни ўргатиш мумкинми? Умуман, унга неча ёшдан бошлаб пул бериш керак?

Дарҳақиқат, фарзандимизга пул берамиз, даромадга қараб қачон ва қанчалиги ҳар бир ота-онанинг ўз ҳукмига ҳавола. Болага пул берилгани, уни, албатта, тўғри сарфлашга ўргатиш шарт. Ҳали ҳаётий тажрибаси бўлмаган ўсмр пулни ота-онанинг ўз ҳукмига ҳавола қилиб, ўзига ҳавола қилиб берилгани, уни, албатта, тўғри сарфлашга ўргатиш шарт. Ҳали ҳаётий тажрибаси бўлмаган ўсмр пулни ота-онанинг ўз ҳукмига ҳавола қилиб, ўзига ҳавола қилиб берилгани, уни, албатта, тўғри сарфлашга ўргатиш шарт. Ҳали ҳаётий тажрибаси бўлмаган ўсмр пулни ота-онанинг ўз ҳукмига ҳавола қилиб, ўзига ҳавола қилиб берилгани, уни, албатта, тўғри сарфлашга ўргатиш шарт. Ҳали ҳаётий тажрибаси бўлмаган ўсмр пулни ота-онанинг ўз ҳукмига ҳавола қилиб, ўзига ҳавола қилиб берилгани, уни, албатта, тўғри сарфлашга ўргатиш шарт.

Чарос ЁКУБОВА,
ЎзДЖТУ талабаси

Бола ва пул

га қараб сарф қилиш маҳорати оилавий ҳаётда муҳим ўрин тутди.

Уч-тўрт ёшли боланинг пул билан қўчала сайр қилиб юриб-сиз. У дўконтда бирор ўйинчоқни кўриб қолганида, "Шуни олиб беринг", дея хархаша қилади. Шунда ота-оналар томондан таъминан қуйидагича жавоблар бўлади:

— Йўқ, уйда худди шундай ўйинчоқинг бор.

— Юр, кўрган нарсани олиб бер, деярверасанми! — Эртага олиб бераман.

Учинчи жавобда ўйинчоқ боланинг ёдилан чиқиб кетишини кўзлаяписиз, дедмак ёлғончи бўлиб қолишингиз аниқ. Бундай вазиятда энг яхши кўриш мумкин. Лекин ҳамма бола ҳам тамадди учун берилган пулни айнан шу мақсадда сарфламайди. Ҳозир нима кўп, интернет кафе кўп. Қоринда "қисган" пулни виртуал оламга сарфлайдиган бола ўз соғлиғига муаммо туғдилади ва бу яхшиликка олиб бормайди. Агар ота-оналар томонидан лагара пулни егулик учун сарфлаш компьютер ўйинига ишлатишдан устун туриши ўқтирилса, у бу борала тўғри қарор қабул қилади.

Агар бола ўз жамғармасининг асосий қисмига бирор нарса олишни орзу қилса, мўлжалланган сума йиғилганда, бола билан дўконтга бориш, кутилган, орзу қилинган нарса уни иштирокчида харид қилиш қувончиди ҳодисага айланади. Бу боланинг ҳеч қанча ёдилан чиқмас воқеа бўлиб қолмайди.

Кўплай оилаларда турли хилдаги нохушлиқларнинг 70 фоизини оилавий таъминотнинг ноугулаллигидан келиб чиқади. Оз бўлса етади, кўп бўлса кез-теда, деган нақл айнан биз кўтарган мавзу — пулга тўғри муносабатни белгилайди. Фарзандларимизни оилавий муҳитда пулни тўғри сарфлашга йўналтириб бурсак, бу борала ҳеч қандай муаммога ўрин қолмайди.

Маҳмуд ЙЎЛДШЕВ,
психология фанлари номзоди

Qissadan hissa

ганлиги учун тушунишмайди. «Бошқа тилни ўрганиш фақат сенинг фойданга хизмат қилишини унутма, болам!», деб тугатгани онам гапни.

Бугун дарслар интерфаол усулларда ўтилмоқда. Ўқувчи мавзуси яхши тушуниши, ҳот-тирлик сақлаб қолиши учун турли ўйинлардан фойдаланилади. Балки тарбия жараёнида онам қўллаган усул-

лардан фойдаланиш керакдир. Опамнинг моҳир тикувчи бўлиб, тенгдошлари орасида ўз ўрнини топишига ҳам онам айтади берган гиламчи киз ҳақидаги эртак сабаб бўлгандир. Унга кўра, моҳир гиламчи кизни шахзода севиб қолиб, уйланмоқчи бўлади. Киз эса шахзода-нинг қўлида хунари йўқ экан, деб совчиларни қайтаради. Аввалги валиаҳднинг жаҳли чиққан бўлса-да, қизга бўлган меҳри сабаб хунар ўрганади. Орзусига эришганидан сўнг, у қароқчилар қўлига тушиб қолади. Шундай вазиятда хунари туйғайи қароқчилар қўлидан қутулиб чиқади. "Кимки, хунарли бўлса ҳаётда қийналмайди, "Хунар бўлса қўлингдан, нон топасан

Шарофатхон АБДУЛЛАЕВА,
Шаҳрихон туманидаги 53-ИДУМ ўқитувчиси

Саломатлик учун МУҲИМ ИЧИМЛИК

Олимлар неча минг йиллардан буён узоқ умр кўриш, тетик ва соғлом ҳаёт кечириш сирларини очишга уриниб, мисли кўрилмаган мураккаб тажрибаларга, кашфиётларга қўл уради. Бироқ бунинг учун оддийгина тоза ичимлик суви етарли эканини баъзан унутамиз. Ваҳданика, табиатнинг ўзидек доно ва уста шифокор йўқ.

Чиндан ҳам, сув — бебаҳо неъмат. У худди тупроқ, қуёш ва ҳаво сингари бутун тириклик ахли учун ҳаёт манбаи. Ахир тирик организмда сув миқдори етарлича бўлмаса унинг фаолияти бир маромда кечмаслиги барчамизга аён.

Шунда й бўлса-да, кўпинча бошқа ичимликлар турган дастурхонда сувни писанд қилмаймиз. Эҳтимол аксарият инсонлар: "Барча ичимликлар таркибида сув бўлса, яна сув ичиб юрмишимиз?" деб ўйлар. Афсуски, бундай эмас. Кўплаб ичимликлар таркибига сувдан ташқари яна қатор моддалар қўшилади. Бу эса фойда ўрнига кўпроқ зарар келтиради.

Масалан, турли таъм берувчи қўшимчалар, ранглар, консервантлар ошқозон, жигар ва буйрак фаолиятига салбий таъсир этади. Улар овқатни ҳазм қилишни секинлаштириб, организмда ёғ йиғилиши, қондаги шакар миқдорини ошишига сабаб бўладиган калорияга эга. Қисқаси, тоза ичимлик сувига ҳеч бири тенг келмайди. У организмимиздаги кўплаб касаллик ва муаммоларнинг ечимидир. Муҳими, унинг калорияси йўқ, ҳазм қилишни талаб этмайди.

Россия Фанлар академияси Медико-биология муаммолари институти мутахассисларининг айтишича, инсон танасида модда алмашинуви рисоладагидай кечиши ва буйракда тош пайдо бўлмаслиги учун ҳам кунига белгиланган миқдорда сув ичиб туриш лозим. Шу билан бирга, мева-сабзавотлар, масалан, бодринг, сельдерей, редиска, помидор, карам, тарвуз, қулупнай, ўрик, гило, қорағат, узум кабилар ҳам сувга бой манба ҳисобланади.

Агар организмда сув етишмаса, қон массаси камаяди, унинг ёпишқоқлиги йўқолади. Бу эса юрак фаолиятига салбий таъсир этади. Юрак мушаклари фаолияти муддатидан аввал бузилади, бу хавфли юрак касалликларига сабаб бўлиши мумкин. Натижада инсон организмда сувсизланиб, кўп қарчаш ва паришонхотирлик, хотиранинг ёмонлашуви, математик ҳисоб-китобларни бажариш тезлигининг пасайиши кузатилади. Шунингдек, суюқлик етишмовчилигида буйракнинг филтрлаш хусусияти ёмонлашади, унинг ўзида эса захарли моддалар кўпаяди. Шифокорлар бундай ҳолатларда уни тозалаш ва функцияларини тиклаш учун кўп миқдорда суюқлик ичишни тавсия қилиши бежиз эмас.

Хитой табобатида ҳам сувнинг хоссаларидан унумли фойдаланилади. Чунки сув кўплаб хавфли касалликлар манбаи ҳисобланган асаб тизимига ижобий таъсир этишини хитойликлар яхши билади. Сув руҳий зўриқишларнинг олдини олади, шунингдек, хавотир туйғусини юракдан ювиб чиқаради.



Дунё тан олган парҳезшunosлар эса танадаги ортиқча ёғлардан халос бўлишда сувдан фойдаланиш кераклигини кўп таъкидлайди. Сув — организмдаги ҳар бир ҳужайрага сингиб, уни фойдали моддалар билан бойитади ва зарарлиларини ювади, тозалайди, айниқса, йиғилиб қолган ортиқча ёғларни парчалаб ташлайди. Шу сабаб барча парҳезшunosлар ҳар қандай парҳез даврида, кунига 2 литр сув ичишни тавсия этади. Сув парҳез вақтида пайдо бўладиган бош оғриғи, тез қарчаб қолиш каби салбий ҳолатларнинг олдини олишда самарали.

Ҳўш, бир кунда қанча миқдорда сув ичиш керак? Олимларнинг фикрига кўра, одам организм учун бир кунлик сув миқдори ўртача 10—12 стаканга тўғри келади. Унинг тахминан 2—4 стаканини озиқ-овқат орқали қабул қилсақ, кунига 6—8 стакан сув етарлидир. Ҳар кун эрталаб нуношудан ярим соат олдин қайнатиб, ҳона ҳароратида илтирилган бир стакан сув (озроқ лимон шарбати қўшиш мумкин) ичишни қанда қилманг. Оч қоринга ичилган сув захарли моддалар, ошқозонда ҳазм бўлмаган овқат қолдиқларини ювади ва йўғон ичак фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади. Ошқозон-ичак йўлининг тўғри ишлаши эса барча озиқ-моддаларнинг яхши сўрилиши, узоқ ва соғлом ҳаёт гаровидир.

Буюк аждодимиз, тиб илмининг султони Абу Али ибн Сино "организмининг сўлиб қолиши қаршининг асосий омилдир" деб ҳисоблаган. Бу фикрни замонавий илмфан ҳам тасдиқлайди. Ёш ўтиши билан киши организмда сув миқдори камайиб боради. Мисол учун, ёш йигит-қизлар танасининг 60 фоизи сув бўлса, кексаларда бу кўрсаткич 50 фоизни ташкил этади. Сувсизланиш қон ва лимфаларнинг қуюқлашиши, тери, мушаклар эгилувчанлигининг камайиши, бош, бўғимдаги ориқларга сабаб бўлади. Сув кексаларга нафақат тетиклик бағишлайди, балки қарши жараёнини ҳам секинлаштиради.

Бу неъматнинг шундай ажиб қароматлари бор экан, кун бўйи камкам миқдорда қайнатишдан олдин сув ичиб-юришга одатланган. Айнан сув тирик организм ҳаёти учун энг зарур омил — супер ичимлик эканини унутманг.

Биласизми, Ер юзидеги бутун органик ҳаёт қуёш радиацияси тўғрисида маъжуд. Қуёш радиацияси энергия, иссиқлик ва ёруғлик манбаи. У Ер сатҳини иситади, суви буғлантиради, ҳаво оқимларини пайдо қилади. Гипократ сўзларига кўра, қуёш нури кўпгина касалликларга даводир, қуёшда тобланмаган одамлар эса бемор ҳисобланади.

"Қуёшнинг тўғридан-тўғри тушган нурлари микробларга қарши самарали таъсир қилади" деб таъкидлайди америкалик олимлар Ганс Делл ва Эйлин Ладдингтон. Шу сабаб оқида момоларимизу оналаримиз кўрпатушакларни янгиллаш учун вақти-вақти билан уларни қуёш нури яхши тушадиган жойга илиб қўйишади.

Айниқса, баҳорнинг май ва ёзнинг дастлабки ойдан бошлаб кун очик пайтдан то тушгача қуёш ваннаси инсон саломатлиги учун ўта фойдали экан. Табобатда қадимги даврлардан буён даволаниш ва чинқиш

чоғлик чидамлигини билиши керак. Териси оқ, оқ-сарикдан келган кишилар қуёшли ваннада 5 дақиқа, бугдой рангилар эса кунига қуёшда 15 дақиқа қолиши мумкин. Гелиотерапия учун ёзда эрталаб соат 8 дан 11 гача, кунда эса кундузги 11 дан 14 гача бўлган вақт энг қулай ва фойдали ҳисобланади.

Америкалик олимларнинг таъкидлашича, қуёш нури, шунингдек, холестерин миқдорини камайтириб, иммун тизимини мустаҳкамлайди, бўғимлар оғриғидан халос этади.

Қуёш нурининг зарари борми?

Беминнат қуёш нури

инсон учун қанчалик фойдали?

учун қуёш нурининг шифобахш хусусиятларидан кенг фойдаланилади. Қуёш ванналари санаторий ва курортларда соғломлаштиришнинг ажралмас қисми бўлиб, ундан кундалик шароитда ҳам, албатта, шифокор тавсиясига мувофиқ муолажалар олиш мумкин. Қуёш нури ёрдамда ўз дардига малҳам топишда «гелиотерапия» (грекча, helios — қуёш, therapia — даволаниш) деб аталади.


Қуёш ванналари врач кўрсатмасига кўра, бир қатор тери ва бўғим касалликларида, радикулит, неврит ва бошқа шундай касалликларни бартараф этишда қўл келади. Қуёш нурида тобланган одамда инфекция ва қуйишга қарши иммунитет ҳосил бўлади. Шунингдек, ундан чинқирувчи муолажа сифатида — грипп, ангина, юқори нафас йўлларида учрайдиган баъзи касалликларнинг олдини олишда фойдаланилади. Бу заррин нурлар киши терисига ҳам соғлом кўришни беради, нурга тўйинган тери майин ва силлиқ бўлади. Айрим касалликларнинг ўткир даврида, ўпка, меъда-ичак касалликларида қуёш ваннаси тавсия этилмайди.

Тўғридан-тўғри организмга ёғилаётган қуёш нурлари организмизда D витаминини ҳосил қилади, энг асосийси, саратондан ҳимоялайди. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ҳеч қайси синтетик D витамини табиий қуёш нури ўрнини босолмайди. Қуёш нури айниқса болалар учун фойдали бўлиб, рахит касаллигининг олдини олади.

Қуёш ванналари умумий (бутун танани нурлантириш) ва маҳаллий (тананинг бир қисмини нурлантириш) бўлиши мумкин. Тўғри радиацияли қуёш ваннасида фойдаланишда бошни соябон ёки тўсиқ билан пана қилиш, кўзга қора кўзойнақ тақиш керак. Муолажалар овқатланишдан олдин ёки овқатланган заҳоти ўтказиш мумкин эмас. Ёз фаслида соҳил бўйларида, хиёбонлар, денгиз ва сув ҳавзалари қирғоқларига қурилган солярийлар, аэросолярийларда, махсус айвонларда қуёш ваннаси кўпроқ самара беради.

Аслида қуёш нури кўплаб одамларга кўтаринки кайфият улашади, қалбида ёруғлик қадар қувонч ҳиссини уйғотади. Қуёш нури остида жисмоний машқлар бажариш сурункали касалликлардан асрайди, тушкунлики даволайди.

Яна бир муҳим томони шуки, ҳар ким ўз терисининг қуёш нурига не-



Тўғри, қуёш нурининг таркиби ва унинг одам организмга таъсири бир хил эмас. Қуёш нурлари кўзга кўринадиган (ёруғлик), кўзга кўринмайдиган инфракүзил ва ультрабинафша нурлардан иборат. Инфракүзил нурлар организм тўқималаридан ўтаётганда иссиқлик эффектини ҳосил қилади ва терининг нурлашмига таъсирчанлигини оширади.

Ортиқча қуёш нури организмга ёмон таъсир этиб, терининг қуйиши, офтоб уриши, ялиғланиш, қарчаш, бош оғриғи, уйқусизлик, иситма кўтарилишига ва баъзи касалликларнинг зўрайиб кетишига олиб келиши мумкин. Масалан, қуёшнинг нурлари терини қаритади, ҳатто тери саратонини юзага келтириши мумкин. Буларнинг олдини олиш учун куннинг қайси вақтида қуёш нурлари ижобий таъсир этишини билиб олиш лозим.

Умуман олганда, жазирама ва қуёшли кунларда шифокорлар доимо қуёшдан сақловчи кўзойнақлардан фойдаланишни тавсия этади. Шунингдек, бош кийим ва устки кийимларнинг табиий матодан бўлишига ҳам эътибор қаратиш лозим. Қуёшнинг терига таъсирини камайтириш учун эса махсус крем суртишингиз ҳам мумкин. Фақат уни ҳар икки соатда янгиллаб туришингиз керак.

Аслида табиат неъматларининг барчаси фойдали. Шунчаки меъёр ва мезон унутилмаса, мувозанат сақланса, «олтин ўрталик»ка путур етмаса бўлган. Қуёш нури ҳам худди шундай. Мутахассисларнинг кўрсатмаси ва ҳаёт чигиринидан ўтган аждодларимиз удумлари, қадриятларига таяниб, қуёш нуридан фойдалансақ, фақат кўча ёки уйимиз эмас, балки қалбимиз ҳам ёришади. Шундай экан, ҳар кун барвақт туриб, деразаларни очинг, қуёшнинг беминнат зару олмос нурлари билан хонани «ювинг». Бундай тозалikka интилишингиз муқофотсиз қолмайди — ўзингиз ва оила аъзоларингиз саломатлиги мустаҳкамланади, ҳаттоки хонадаги гуллар ҳам, хонанинг деворлари ҳам яйрайди.

2017-yil 6-may, № 36 (8997)

ШИРИН ИЧИМЛИКЛАР МИЯНИ ЕМИРАДИ

Америкалик олимлар кундалик овқатланиш рацонида кўп шакар қўшилган газли ичимликлар бош мия ҳажмининг қисқаришига ҳамда хотиранинг сусайишига олиб келишини тажрибада исботлади. Тадқиқот натижалари "Alzheimer's & Dementia and Stroke" журналида эълон қилинди.



биринчи гуруҳда 30 ёшдан ошган 4 минг нафар, иккинчи гуруҳда 45 ёшдан ошган 3 минг нафар, учинчи гуруҳда эса 60 ёшли 1,5 мингдан ортиқ иштирокчи синовдан ўтказилди.

АҚШнинг Бостон университети неврологи Мэттью Паснинг айтишича, кўп микдорда шакар ва ширинликлар истеъмол қилиш, айниқса, газли ичимлик ичиш инсон саломатлиги учун хавфли. Мазкур махсулотларни ҳаддан ташқари истеъмол қилиш бора-бора мия атрофияси ёки мия ҳажмининг қисқариши ва хотиранинг сусайишига олиб келиши илмий жиҳатдан яна бир қарра тасдиқланди. Шу боис шакарли газли ичимликлар ва ширинликлардан имкон қадар камроқ истеъмол қилган маъқул.

Шунингдек, таркибда шакар ўрнини босувчи парҳезбop қўшимчалар бор бўлган газли ичимликлар ҳам саломатлик учун хавфли. Уларни ҳар кун истеъмол қилиш бора-бора инсулт ва ақлий заифликка олиб келиши мумкин. Ўтказилган магнит-резонанс тадқиқотларда турли ёшдаги кўнгилчилардан иборат уч гуруҳ; 100—150 метрдан ошмайди. Шу боис мазкур астероид Ерда ҳаёт учун потенциал хавф туғдирадиган объектлар рўйхатига киритилди.



ХАВФЛИ АСТЕРОИД ЕРГА ЯҚИНЛАШДИ


Ер яқинидан потенциал хавфга эга «JO25 2014» астероиди учиб ўтгани ҳақида «ТАСС» манбасида хабар берилди. Аниқланишича, у охирига 400 йил ичида сайёрамизга нисбатан рекорд даражада яқин келган.

Осмон jismlari 2014 йили АҚШнинг «Маунт-Леммон» обсерваториясида жойлашган автоматлаштирилган телескоп орқали аниқланди.

Олимларнинг баҳолашича, унинг диаметри 640 метрдан 1,5 километргача бўлган кўрсаткичи ташкил этади. У Ер ва Ой оралигидаги 4,6 масофа (1,77 миллион км)да учиб келган.

«JO25 2014» Ерга яқинлашган пайтда унинг ёруғлик қайтаришини, ҳатто, хаваскор телескопларда ҳам кузатиш мумкин бўлган.

Одатда, бундай осмон jismlari Ердан 0,05 астрономик бирликдаги (тахминан 19,5 ер ва ой оралигида) масофадан ўтади ва уларнинг диаметри



100—150 метрдан ошмайди. Шу боис мазкур астероид Ерда ҳаёт учун потенциал хавф туғдирадиган объектлар рўйхатига киритилди.

ВЕЛОСИПЕД УМРНИ УЗАЙТИРАДИ

Глазго университети олимларининг "British Medical" журналида эълон қилинган мақолада велосипед ҳайдаш саломатлик учун жуда фойдали экани ҳақида ёзилди.

Буюк Британиянинг 250 мингдан ортиқ ўрта ёшдаги фуқароси саломатлиги 5 йил давомида мониторинг қилиниб, яқунда шундай хулоса чиқарилди.

Илмий иш муаллифларининг айтишича, велосипед миниб, ҳар кун ишга ёки ўқушга қатнашга одатланганлар бошқаларга нисбатан узоқ умр кўради. Бундай доимий фаол ҳаракатда бўлган инсонларда эрта ўлим хавфи 40 фоизга, саратон хасталигига чалиниш эҳтимоли 45 фоизга камайаркан. Шунингдек, велосипед ҳайдашни хуш кўрувчиларда юрак-қонтомир хасталиқларига чалиниш ҳолати ҳам икки ҳисса кам бўлади.

Яна бир эътиборли жиҳати, натижа аёл ва эркекларда бир хил экан. Шунинг учун кўпроқ жисмоний фаол бўлишга интилиб, ҳар кун камидан 1—2 соат пйеда юриш ёки велосипед ҳайдаш лозим.




МУШУКЛАР ХОНАКИЛАШТИРИЛИШИ САБАБИ

«Gizmodo» манбасида келтирилишича, «Youtube» тармоғининг «Minute Earth» каналида уй мушуклари эволюция(тадрижий ривожланиш)си тасвири туширилган видеоролик пайдо бўлди.

Ролик (How cats became our Feline Ourlords) мазмунига кўра, мушукларнинг аجدодлари 11 миллион йил илгари Осиёда ҳаёт кечирган. Уларнинг Евросиё ва бошқа минтақаларда тарқалиши йўлбарслар, шерлар, пума (Америка ёввойи мушуги) ва бошқа йирик ҳайвонларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган.

У қадар катта бўлмаган ёввойи мушуклар кейинчалик инсонлар билан яшай бошлаган. Қўлга ўргатилган мушуклар дехқонларнинг энг яқин кўмакчиси бўлиб, галла мавсумида ва ҳосилни сақлашда кемирувчиларга қарши «жонли қопқон» вазифасини бажарган. Бу борада йиртқич мушуклар гўштхўр қушлар ва кучукларга қараганда кўпроқ самара келтирган.

Хонакилаштирилган йиртқичлар бошқа турларига қараганда ҳар қандай овқатни яхши ҳазм қилиши, ҳатто озуқасига маийши чикинди қўшилишига ҳам «рози»лиги билан ажралиб турган.



Одина ҚУЛМУРОДОВА ва Дилноза ЖЎРАЕВА тайёрлади.

реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама

«ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ» танловига марҳамат!

Ҳурматли ҳамкасблар!

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси сизларни "Йилнинг энг фаол журналисти" танловида қатнашишга таклиф этади. Танловга 2016 йилнинг 1 июнидан 2017 йилнинг 1 июнигача газета ва журналларда, интернет нашрларида эълон қилинган материаллар, эфирга узатилган телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар қабул қилинади.

Материаллар танловга тахририятлар тавсияси билан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўлиmlари орқали жорий йилнинг 5 июнигача муаллифнинг иш жойи, телефони, манзили ҳақидаги маълумотлар ва паспорт нусхаси илова қилинган ҳолда тақдим этилиши лозим.

"Йилнинг энг фаол журналисти" танлови голиблари ва совриндорларига диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишлаб 27 июнда ўтказиладиган байрам тадбирида топширилади.

Материаллар "Йилнинг энг фаол журналисти" танловига деб кўрсатилган ҳолда куйидаги манзилга юборилиши лозим:

100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси
Телефонлар: 244-64-61, 244-37-87.
www.journalist.uz

"Ma'rifat" газетасининг 2017 йил 19 апрелдаги 31 (8992)-сонида чоп этилган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 январдаги "Ижтимоий ҳимоя йили давлат дастури тўғрисида"ги ПҚ-573-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 20 августдаги "Ўқитувчилар ва ўқувчилар турмуши моддий шароитларини яхшилашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 409-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида: Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги 1475-сонли қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сонли қарори талаблари асосида, 2017-2018 ўқув йилида 1-синфга қабул қилинадиган ўқувчилар ва касаллиги туфайли яқка тартибда уйда таълим олаётган ногирон болалар учун ўқув қуролларидан дафтар (12 варақ), рангли қоғоз тўплами (12 рангли), расм дафтари (12 варақ) ҳамда пенал махсулотларини харид қилиш учун қайта очиқ тендер савдолари ўтказилиши тўғрисидаги эълонга тузатиш:

Эълоннинг 4-устун 9-хатбоши "Тендер таклифлари 2017 йил 5 май соат 15:00 дан кечиктирилмаган ҳолда юқорида кўрсатилган манзил бўйича Ишчи органга тақдим этилиши лозим (шанба ва яқшанба кунларидан ташқари)" жумласи куйидаги тартибда ўқилсин: "Тендер таклифлари 2017 йил 20 май соат 15:00 дан кечиктирилмаган ҳолда юқорида кўрсатилган манзил бўйича Ишчи органга тақдим этилиши лозим (шанба ва яқшанба кунларидан ташқари)".

Тошкент давлат техника университети томонидан 1997 йилда Тошев Асрор Турдонович номига берилган 197635 рақамли диплом йўқолганлиги боис **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент давлат университети томонидан 1991 йилда Ибрагимова Муслима Юлдошевна номига берилган ПВ№860143 рақамли имтиёзли диплом йўқолганлиги боис **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти ихтисослаштирилган кенгашининг 2005 йил 30 июндаги 116/1 сон баённомасига асосан Ибрагимова Муслима Юлдошевнага берилган тарих фанлари номзоди илмий даражаси ҳақидаги 01№008776 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги боис **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

9-may – Xotira va qadrlash kuni

...1986 йилнинг айна киш палласи. Кор гу-пиллаб ёғар, йўллар сирпанчик, ҳаво жуда совук. Шунинг учун бўлса керак, кўчада ҳеч бир зот кўринмайди. Тинч ва осуда қишлоқ йўлидан дадам билан қўл ушлашиб, бекат томон кетаямиз. Тонгги совуқ танимизни жунжиктирар, аксига олиб қор ҳам бизни ку-муш парчалари билан аймай "саваларди". На автобус, на бирон машина кўринади. Дадам кўзлари тўрт бўлиб йўлга қарар, у ёқдан-бу ёққа тез-тез юриб, менга далда беради: "Она қизим, шошилма, ҳали кеч қолмайсан, йўл ташвишини билиб, сени эрта уйготдик. Отажонинг ҳам жуда ширин қаймоқ қилибди-да нуношуга. Олимпиаданнинг туман босқичида биринчи ўринни олиб, вилоятга ўтганини эшитганда, роса қувондик. Насиб бўлса, бугун ҳам ўрин олиб қайтасан".

Отамнинг ўғитлари

Мен эса ўзинчи синфда ўқишимга қарамасдан, ёш қизчалардек эркакли қилиб, дадамнинг дилини оғритаётганимни сезмасдан, савол ёғдираман: "Дадажон, сиз неча йилдан буён мактаб директори-сиз? Нега бизнинг машинамиз йўқ? Синфдош дугонанинг отаси яқинда қайсидир идорага ишга кирган экан, янги машина олишибди, биз қачон оламиз?". Худди шу пайт дадонимнинг дадаси машинада биз томонга яқинлашди. Мен севиниб машинага чиқишга тайёрланиб турсам, тўхтамасдан ўтиб кетди...

Автобус келди, олимпиадага вақтида етиб бордим, фахрли 2-ўринни эгалладим. Ўрта мактабни тугатиб, Бухоро давлат педагогика институтининг филология факультети талабаси бўлдим. Ота-онамнинг қувончи кескиз. Ҳар шанба кунни уйга келсам, дадам мени интизорлик билан кутаётган бўларди. Кўришлари билан: "Хайрият, қизим, соғ-омон келдингми?", дердилар. "Онаси, қизалоғинга атаб кўйган хурмо, олма, ҳолваларни олиб чик", деб онамни ҳам шошилтирганлари ҳамон кўз ўнгимда. Дарҳол Собира янгамни чақириб, "Қизим, кечга нима пиширсин, мантими ёки чучвара?" деб сўрар, айтган оқватимни тайёрларди. Нимани яхши кўришимни жуда яхши билар эди.

Аммо мен... шаҳардан у кишига бирон нима олиб боришни ўйламабман ҳам. Кўнглини кўтариш, орзулари ҳақида сўраш ҳаёлимга ҳам келмабди. Аммо бу афсус-надоматим бефойда. Энди... дадам бу дунёда йўқ...

5-курсда ўқийман. Бир кун сўхбатимиз орасида дадам: "Комила қизим, насиб бўлса, бир йилдан кейин пенсияга чиқар эканман", деганда, ҳайратга тушганим ҳамон эсимда. Ахир, қирқ йилдан зиёд педагог бўлиб ишлаган дадамни доимо ўқитувчи ва ўқувчилар қуршоғида кўришга ўрганиб қолган эдим-да. У кишининг айтган гаплари бир умр хотирамда қолди: "Мен қийин пайтларда ўқитувчилик қилдим, қалбимдаги орзуларимни рўёбга чиқара олмадим. Мурғак болалар катталар билан тенгма-тенг пахта даласида ишлар, ўтоғу чопиқ ҳам улар зиммасида эди. "Ҳамма пахта йиғим-теримига!" деган шиор остида ўқиш қилиб, далага кетардик. Энди у кунлар ортда қолди, сизлар биз кўрган азобларни кўрмайсиз. Ёшлар Ўзбекистоннинг порлоқ келажагини яратади. Фидойи устоз бўл, обрў топасан".

Бу дадам билан сўнги сўхбатимиз эканини мен қаердан билар? 60 ёшга кирмасидан отам бу ёруғ дунёни тарк этди. Бир ҳафта ўтиб, Ўзбекистон мустақилликка эришди. Эркин ва фаровон ҳаётни орзу қилган отажоним бу хабарни эшитмасдан кетди.

Тақдир тақозоси билан олис вилоятда яшаётганим учун таътил пайти Қорақўлнинг Зиёрат қишлоғига шошилман. Мунис онажоним кун санаб, қизини қарши олади. Дадамнинг расмларини кўриб, эслаймиш. Бу йил эса у кишини онажоним-сиз эслайдиган бўлдим...

Яхшилар номи ҳаммаша барҳаёт. Дадамнинг шогирдлари, фарзандлари, келинларини қуввлари, набиралари у киши яратиб кетган илм боғини гуллатиб яшнатмоқда. Турмуш ўртоғим ҳам педагог. Отамнинг ибратли насихатлари бизга доимо ҳамроҳ. "Таш билан урганни ош билан ур", "Доимо жамоа ва Ватан манфаатини ўз манфаатингдан устун тут" каби сўзлари ҳаётимиз шиорига айланган.

Комила РАҲИМОВА,
Хонқа туманидаги 12-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

Ўша кунлар

Отамнинг болалиги уруш йилларига тўғри келган. Нонни қадрлаш, тинчликни эъозлаш ҳақида кўп гапирарди бизга. "Тўкин яшаймиз, шукр! — дерди ва бирдан юзини ғам босарди. — Мен ўша кунларни сира унутолмайман".

...Талаба бўлдим, турмушга чиқдим. 80-йиллар охири, 90-йиллар боши эди. Янги рўзғор, ижарама-ижара юриш дегани оғир, озиқ-овқат танқис... Шундай пайтлари отам менга: "Қизим, бу кунлар ўтиб кетади, сенга уруш даврида қандай қийналганимизни айтиб берганман-ку", деб қаноатга чақирарди. Отам айтиб берган хотиралар — ёзса бир китоб бўлгули. Китобки, ўтаётган ҳар кунингга шукр қилишга ундайди, тинчликнинг бебаҳо неъмат эканини уқтиради...

Қишлоқда бугун тўй. Бунда эркаклардан кўра хотинлар кўп, аёллардан ҳам кўра кўпроқ болалар. Она-сига эргашиб тўйга борган болакайга чеккароқда ўтирган аёллардан бири қулча узатди. Қулчани қўйнига солганча кўчага югурди у. Йўл ўртасида шитоб билан кетаётганида беҳос от-арава уриб юборди. Болакай ўчиб бориб йўл четига тушди. Кўзини очганида эса рўпарасида ориқдан келган қорамғиз аёл:

— Шунинг ичгин, болам, — деб юзига сув сепарди.

Сал нарироқда эса ҳаллослаб, бир оёғи оқсоқ аравакаш келарди.

— Тфу, палакат-э, қандай чиқдинг олдимдан, кўрмай қолдим, худо ҳаққи! — дерди кир рўмолчасини ғижимлаб нуқул. — Кел, қўлингни ўзим бойлаб кўяман.

Болакай аравакашнинг қўлини яқинлатмади, итариб юборди. Атрофга аланглаб, пиқ-пиқ йиғлай бошлади. Шунда нимадир эсига тушгандек жимиб қолди: қўлини шошиб қўйнига тикди. Жойида экан. Болакай боши лўқиллаб оғриётгани, оёғининг зирқирашига қарамай, юз-кўзида тушунқисиз қулги билан оқсоқлана-оқсоқлана югура кетди.

— Йўқотма! — аёл ҳар кунги гапини доимги оҳангда яна бир бор таъқиллади. — Картичани йўқотма!

Болакай ҳам бир парча шалвираб қолган картичани маҳкам сиқимлади. Ана шу бир парча қозғоқ йўқолса, бутун ойласи нонсиз қолиб кетишини у жуда яхши биларди. Одатда, нонга бориш учун уқаси ҳам унга йўлдош бўлади. Уқаси нонга борганда эса ақаси унга "қоровул"лик қилиб келади. Сабаби оддий: агар нонга бировини жўнатса, қўшимча бўлагини еб қўйиши мумкин.

Болакай узундан узун навбатга турди. Биров битта, биров яримта, яна биров яримтадан кўпроқ нонни қўлтиқлаб чиқиб, йўлида давом этди. Болакайнинг навбати келиб, унга ҳам тарозига тортиб нон беришди. Ўлчов кам чиқди, шевкили, сотувчи гугурт қутисидек бўлакни ноннинг устига қўйиб болакайга узатди.

Ақа-уқа навбатни тарк этиб, уйга йўл олди.

— Тўхтанг, — деди уқаси, — бирпас тўхтанг! Нонни менам кўтарай.

— Бугун нон олиб келиш менинг галим, эртага сен кўтарасан.

— Унда ушлаб кўрсам бўладими?

Ақаси болакайга нон бўлагини ушлатди.

— Юмшоқ экан! — болакай нонни хидлади, кўзларини юмди, қилт этиб ютди.

Сиз ҳам ушлаб кўринг.

Ақаси ҳам нонни ушлаб кўриб, уқасининг гапини тақроқлади: "Юмшоқ экан".

— Бир тишлам берайми, — деди ақа уқасига.

— Ойим билиб қолса, уришади-ку.

— Билдирмаймиз, буни ойим билмайди-ку. Тортиб кўришга тарозиси ҳам йўқ. Ма, тишлай қол...

Уқа ҳам шунинг қутиб тургандек, нондан бир тишлаб олди. Қолган бир тишламни эса ақаси оғзига солди.

— Ақа, эртага менинг галимда ҳам шунақа қўшимчаси бўлармикан? — деди уқаси ноннинг мазасини яхшироқ билмоқчидай узоқ чайнаганча.

— Билмадим, — деди ақа ҳар доимгидай, сўнгра кўшиб қўйди: — Баъзида бизга тортиб бераётган нонни кўп чикса олиб қолишади, етмай қолса — кўшиб беришади. Ойимга айтмайсан-а?

Уқаси ҳар доимгидай бош силкиди. Шу тоғда иккаласининг ҳаёлида битта нарса эди: "Эртага ноннинг яна шунақа қўшимчаси бўлармикан?".

Катта қозонда қайнаётган сувга она болалари те-риб келган исмамоқ, жағ-жағ, ялғиз каби ўтларни ташлади. Кейин болаларнинг энг каттаси Роҳилага қазоқда илиниб турган халтадан бир пиёла унни узатди. Роҳила онасининг қўзини шамғалат қилиб, бир қисм унни кичиккина халтачага жойлади. Қишин-ёзин шу. Баҳорда кўкатлар, қишда эса турли мевалар қўшилган атала.

— Опа, нега ҳар доим онам берган ундан бир сиқим олиб кўясиз. Бу ўғирлик эмасми? — деди бир кунни етти-саққиз яшар болакай — Роҳиланин уқаси.

— Йўқ, бу ўғирлик эмас. Ейишга ҳеч нимамиз қолмаганда бир кунимизга ярайди. Фақат сен буни ҳеч кимга айтмагин, ҳўпми?

— Ҳўп, ҳеч кимга айтмайман...

Қишининг совуқ кунлари Роҳила қаттиқ шамоллаб этиб қолди. Уйда ейишга ҳеч вақо йўқ, онаси дамлаб берган чой эса болаларнинг қорнини тўйдирдиш ўрнига, баттар очкатаётган эди.

Болакай онасининг бош томонига ўтиб, манглайига қўлини босди.

— Мунча иссиқ, — деб тортиб олди.

Бемажол ётган онаси аранг қўзини очди:

— Уқажон, мен яшириб қўйган уннинг қаердалигини биласан-а?

— Ҳм, биламан.

— Бир коса чикса керак, онамга олиб бор. Атала пишириб беради.

Болакай иргиб ўрнидан турди. Ун яширилган жойга борди. Онасининг унни кўриб қувониб кетишини ўйлаб, шошганча сандиқ орқасидаги тугунчани олди. Сандиқнинг қирраси билагини шилиб юборди. Аммо у оғриққа парво қилмади. Тугунчани маҳкам бағрига босганча онаси ўтирган уй томонга кетди. Аммо яна ортига қайтди. Тугунчани ерга қўйиб очди ва бир қисм унни олди, эски газетга парчасига ўради. Сандиқнинг орқасига бир қисм унни яшириб, ортига қайтди. Қилган ишидан кўнгли тўлиб, онаси ўтирган уй томонга югуриб кетди.

Барно СУЛТОНОВА

Устозларни ёд этиб...

Ҳар йили 9 май — Хотира ва қадрлаш кунини соғинч билан кутаман. Чунки шу кунни тугулиб ўсган қишлоғимга, болалигим ўтган хонадонга бораман. Қадрдон мактабим олдида ўтар эканман, меҳрибон ва азиз устозларим кўз олдимда намоеён бўлади. Отам математика, онам эса бошланғич синф ўқитувчиси бўлгани учун уларни биринчи устозим деб ҳисоблайман. Келажагимни белгилашда ҳам шу жиҳатлар бош омил бўлган. Онажоним беш ёшимдан оқ ўқиш, ёзишни ўргатган. У кишидан яна касбга садоқат ва фидойиликни ўргандим.

Мисол учун, синфдаги қайси ўқувчи мавзуларни яхши ўзлаштира олмаса, дарсдан кейин уйи мизга олиб келарди. Рўзғор ишларини ҳам бир четга суриб қўйиб, у билан шуғулланарди. Ўқиб-ёзишни, арифметик ҳисоб-китобни ўргатарди. Отам ҳам

мактабни муқаддас билар, ўқувчиларни биз фарзандлари каби севарди, уларга бор меҳрини беради. У кишидан математика фани сир-синаотларини пухта ўрганганим келгуси фаолиятимда жуда асқотди. Олий ўқув юртини тамомлагач, ҳамкасб сифатида ҳам ишлаш насиб этганида ҳам маслаҳатларини бериб турдилар.

1-синфдаги устозим Шарват Рўзиевани, Искандаров домлани, Қилич ақани, физика ўқитувчимиз ва синф раҳбаримиз Халил Абдиевни, Навоий ва Бобур ғазаллари, рубоийларига бизда илк меҳр уйғотган она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Дамин Абдиевни ўзгача меҳр билан эслаймиз. Уларнинг овозидаги ёқимли оханг ҳалиям қулоғим остида жаранглайди. Устозимиз ўзбек тили грамматикасини жуда яхши билар, бизга ҳам кунт билан ўргатарди. Талабалик йил-

ларида, кейинчалик педагогик фаолиятимда уларнинг сабоқлари йўлчи юлдуз каби йўлимни ёритиб турди.

Оқдарё туманидаги 10-мактабда ишлаб, ҳозир кескалик гаштини сураётган жисмоний тарбия ўқитувчимиз Нишон Мардонов, математика фани ўқитувчилари Нўъмон Шакарон, Мади-на Ҳамроева, физика фани ўқитувчиси Тўлқин Муродов, тарих фани ўқитувчиси Файзулла Исломов, рус тили фани ўқитувчилари Эшмурод Эшмонов, Абдурахим Элмуродов, Рўзобуви Абдуҳакимова, Мухаббат Тўймаева, Комил Алқаров, Азим До-вуров, Маҳкамтош Нормирзаева, Мухаббат Норқуловани байрам билан чин юракдан табриклайман.

Фазила БОБОЁРОВА,
Тошкент архитектура-қурилиш институтини қошидаги академик лицейнинг инглиз тили фани ўқитувчиси

2017-yil 6-may, № 36 (8997)

Мезбонликнинг шарафли масъулияти



Юртимиздаги ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган «Баркамол авлод — 2017» спорт мусобақаларининг республика босқичи бошланишига санокли кунлар қолди. Бу галги беллашувлар жаззахлик ўсмирларга ўзгача ҳаяжон ва масъулият юк-ламқоқда.

Ана шу масъулиятни чуқур ҳис этган жаззахлик йигит-қизлар саралаш мусобақаларида муваффақиятли иштирок этди. Асосий мусобақада ғалаба қозониш иштиёқи уларни ўз устида тинимсиз ишлашга, маҳоратини оширишга чоғламоқда. Табиийки, пухта тайёргарлик ва ўз кучига бўлган ишонч ортида ижобий натижалар туради.

Жаззахлик ёшлар 15 спорт тури бўйича «Баркамол авлод»нинг республика босқичида иштирок этади ва ўз имкониятларини синайди. Улар орасида баскетбол (қизлар), гандбол (ўсмирлар) ва бокс (4 вазн тоифаси) жамоаларининг ҳам борлиги қувонарлидир.

Финал босқичига ҳозирлик кўраётган баскетболчи қизларнинг ғайрат ва шижоати қайнапти. Улар ўтган вақт мобайнида турли мусобақаларда қатнашиб, ҳар томонлама тобланиш, тажриба тўплади. Мураккаб вазиятларда жипслашишни, бир куч бўлиб бирлашишни ўрганди. Дарвоқе, Жаззах олимпия захиралари коллежи қизлари жамоанинг асосини ташкил этади.

— Таълим муассасамизда таҳсил олаётган Шаҳзода Ҳусанова, Фарангиз Шарипова, Махлиё Тоғаймуродова билан биргаликда вилоятимиз шарафини ҳимоя қиламиз, — деди коллежнинг 1-босқич ўқувчиси Наима Усмонова. — Қолаверса, бу тенгқурларим қатори мен ҳам баскетбол бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзосиман. Энг нуфузли спорт мусобақасида ушбу таркиб билан ғалаба қозонишни ич-ичимиздан истаялгимиз. Мамлакат миқёсидаги кўплаб мусобақаларда фахрли ўринларни кўлга киритганимизни, албатта, мураббийларимиз ҳам билишади. Шу боис талаб юқори — фақат ғалаба қозониш.

Лекин рақибларимиз ҳам биздан куч ва савия борасида қолишмайди. Ахир мусобақанинг бу босқичида кучсизлар бўлмайди.

Айни пайтда жаззахлик баскетболчи қизлар қатъий режа асосида жисмоний тайёргарлик ва ўқув машғулоти билан банд. Бу борада уларга тажрибали мураббийлар яқиндан ёрдам бермоқда. Ўқувчиларнинг машғулоти ўтказиши учун ҳам барча шароит ва имкониятлар яратилган. Зеро, машғулотларга қанчалик пухта ҳозирлик кўрилса, ҳал қилувчи мусобақаларда ғалаба қозониш шунчалик осон кечади.

— 2001 йили Жаззахда ўтказилган илк «Баркамол авлод» республика спорт ўйинларида умумжамоа ҳисобида 4-урин билан кифоялангандик, — деди вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармасининг спорт бўйича мутахассиси Неъмат Уринов. — Бу йилги ниятимиз кучли уликдан ўрин олиш. Тўғри, бу мақсадга эришиш осон бўлмайди. Чунки барча вилоятлардаги шароит деярли тенглашган, спортчилар ҳам бир-бирдан қолишмайди. Биз эса аввало мезбонлик босимини енгишимиз ва ғалаба қозонишимиз керак. Шу боис спортчиларимизнинг жисмоний ва руҳий тайёргарлиги устида ишлялгимиз.

Ҳа, бугун анвойи гулларга, рангоранг плакатларга бурканган осуда ва озода Жаззах шахри ёшлик байрамини интиқлик билан кутмоқда. Ҳар бир инсон, ёшу қари 2017 йилнинг юртимиз спорт ҳаётидаги энг муҳим воқеаларидан бири «Баркамол авлод» спорт мусобақаларининг тезроқ бошланиши, мurosасиз курашларни мириқиб томоша қилишни хохлаётганини сўзларидан, кўзларидан уқиб олиш қийин эмас. Жаззахлик ёш спортчилар эса мазкур улкан спорт байрамига чиндан ҳам жиддий ҳозирлик кўрмоқда. Агар вилоят ёшлари мусобақа майдонида ғолиблик нашидасини суриб, олтин медалларга бурканса, Жаззах аҳолиси учун байрам янада эсда қоларли бўлади. Бунинг учун ҳар бир спортчи йигит-қиз ғалаба учун майдонга чиқиши лозим.

Абдусаттор СОДИҚОВ
Жаззах вилояти

Жаззах шахридаги «Отчолар» мажмуасида ўтказиладиган кўпқарли мусобақалари ҳар гал олис-яқиндаги энг сара чавандозларни бир даврага жамлайди. Уққур тулпорларни кўриб завоқланидиган болаларнинг алпқабат акаларига ҳаваси, халқона ўйинга иштиёқи бўлакча. 93 ёшни қоралаган Юсуф ота бу ерга неварою чевараларни тез-тез етаклаб келади.

1924 йили Фаллаорол туманидаги Болғали кишлоғида туғилиб, зиёлилар оиласида улғайган Юсуф Холматовга ҳаёти давомида қадрдон саман оти доимо йўлдош бўлди. Ўн йилча туман марказидан олисда жойлашган 24-мактабга раҳбарлик қилган (яна шунча вақт аввалги туман халқ таълими бўлимида қадрлар бўйича бош инспектор бўлиб ишлаган) йиллари туман миқёсидаги йиғилишларга қатнашиб, хизмат юза-

Ислом Каримовнинг Жаззах вилоятига ташрифи чоғида мазкур музей экспонатлари билан танишиб, муассаса ходимларига берган кўрсатмалари, айниқса музейдаги хотира дафтарига битган сўзлари унинг ёдида бир умр сақланади.

Юсуф ота ҳаёт ташвишларию, касбидан ортиб, қалам тебратишга, қоғоз қоралашга ҳам вақт топади. Унинг «Авлодлар довоми» рисоласи, «Жаззах

Нуроний мураббий

сидан таълим муассасаларининг тажрибасини ўрганиш, таълим сифати ва самарадорлигини ошириш учун борганида қадрдон оти унга беминнат транспорт вазифасини ўтагани рост.

Ўтган давр захмати, айниқса Иккинчи жаҳон уруши йилларидан қолган хотиралар Юсуф отанинг онгу шуурида қойим туради. 1942 йили Самарқанд педагогика билим юртининг бошланғич таълим ва жисмоний маданият йўналишини битириб, мактабда эндигина иш бошлаган йигит армия хизматида сафарбар этилди.

У ҳарбий хизматдан қайтган йиллари педагоглар етимақлигининг мактаблар бўшаб, ҳувиллаб қолгани. Шундай вазиятда ёш муаллим ўзи меҳнат қилаётган, бошланғич синфларга мўлжалланган мактабга келди. Паҳса девордан қад ростлаган пасткам мактаб биносидида ёш авлоднинг таълим олиши, илм-маърифатли бўлиши учун шароит яратишга интилиди, ҳомийлар кўмағида янги синфлар учун қўшимча бина қурилишига бош бўлди.

Ёш педагог 1957 йили Самарқанд давлат университетининг тарих факультетини имтиёзли битирди. 1965 йилдан то пенсияга чиққунча Жаззах шахридаги 9-умумтаълим мактабда директор ўринбосари бўлиб ишлади. Ташаббускор мураббий ўз вақтида ушбу таълим муассасида ТИРда ўқ отиш майдончаси ташкил этганини ҳамкасблари ва шогирдлари яхши эслайди. Тиниб-тинчимас педагог 1994 йилгача, яъни нафақага чиққанидан кейин яна ўн йил вилоят ўлкашунослик музейида катта илмий ходим бўлиб ишлаб, уни ноёб экспонатлар билан бойитиш ишларига ҳисса қўшди. Дарвоқе, истиклолга эришилган дастлабки йилларда Биринчи Президентимиз

қорабайири» китоби шундан дарак беради.

— Айтишларича, чолиб кетаётган отнинг икки қулоғи устидан келадиган ел эгардаги чавандоз саломатлигига фойдали бўлиб, танасини чиниктирар экан, — деди биз билан суҳбатда Юсуф ота. — От минган одамнинг кайфияти чоғ, қадами дадил, руҳи тетик, соғлом ва бардам юришини ўзимда кўп бор сезганман.

Юсуф отанинг турмуш ўртоғи раҳматли Муҳаррам ая ҳам бутун умрини ёш авлод таълим-тарбиясига бағишлади. Биргаликда ўн фарзандни дунёга келтириб, тарбиялаб, мард ва жасур қилиб воёга етказишди. Отасининг уруш ва ватан мудофааси ҳақидаги қизиқарли ҳикояларини тинглаб ўсган бешов ўғли ҳарбий хизматни ўтади, набираларидан икки нафари подполковник, бири майор, яна бири малакали учувчи бўлди. Айни дам Юсуф ота Холматов 44 неварга, 58 чевараси ардоғида умргузаронлик қилмоқда. Қолаверса, Жаззах шахридаги «Турон» маҳалласида истикомат қилаётган меҳнат фаҳрийси холидан маҳалладошлари, ўқувчи ва устозлар, малакали шифокорлар мунтазам хабар олиб туради. Унинг маслаҳати билан бошланган ишлар хайрли бўлади.

Дам олиш кунлари келди дегунча, Юсуф ота бир этак неварою чевараларини галма-гал турли маданият ва маънавият масканларига олиб боришни қанда қилмайди. Бу ерда кечадиган суҳбатларда бобо ўтмиш билан бугунни қиёслаб, дорилотмон кунларга шўқрона айтиш, тинчлик ва осойишталик, тўқин-сочинликнинг қадрига етиш кераклигини қайта-қайта ўқтиради.

Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,
«Ma'rifat» мухбири

Пойтахтимиздаги Олимпия шон-шухрати музейида Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси томонидан тизимда амалга оширилаётган ишлар сарҳисобига бағишланган брифинг ўтказилди.

Ютуқ ва камчиликлар сарҳисоб қилинди

Унда қўмита мутасаддилари, юртимиздаги спорт федерациялари масъул ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда таъкидланганидек, давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 15 февралдаги фармонида мувофиқ қўмита жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминловчи давлат бошқаруви органи сифатида фаолият юритмоқда.

— Жорий йилнинг биринчи чорагида ўтказилган 83 та халқаро мусобақада 526 спортчилар (шундан 173 нафари қизлар) иштирок этиб, жами 192 та медаль кўлга киритилди, — деди қўмита раиси Рустам Қурбонов. — Президентимизнинг жорий йил 9 мартдаги «Ўзбекистон спортчиларининг 2020 йил Токио шахрида (Япония) бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларига тайёргарлик кўриши тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан комплекс чора-тадбирлар режаси тасдиқланди. Турли вазирлик ва идоралар, йирик компания ҳамда спорт федерациялари ва уюмлари ҳамкорлигида ушбу нуфузли халқаро мусоба-

қаларга тайёргарлик чора-тадбирлари юқори савияда олиб борилмоқда. Қолаверса, жорий йил давомида бўлиб ўтадиган йирик халқаро мусобақаларга Ўзбекистон спорт делегациясининг иштирокини таъминлаш масаласи ҳам қўмитанинг асосий диққат-эътиборида.

Брифингда совринли ўринларни эгаллашда бокс, дзюдо, оғир атлетика ва спорт курашлари билан чекланиб қолмай, мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланган ҳолда спортнинг гимнастика, трамполин, енгил атлетика, байдарка ва каноэда эшак эшик сингари турлари бўйича ҳам натижаларни янада яхшилаш зарурлиги қайд этилди. Жаззах шахрида ўтказиладиган «Баркамол авлод — 2017» ўйинларининг якуний босқичида мингга яқин ўқувчи спортнинг 17 тури бўйича жами 186 медаллар жамланмаси учун кураш олиб боради. Тадбирда спорт мусобақалари ўтадиган иншоотларни замонавий инвентарлар, жиҳозлар билан таъминлаш, мусобақани юксак савияда ўтказиш каби масалалар юзасидан журналистларга батафсил маълумот берилди.

Шероод УЛАШОВ

реклама • эълон • реклама • эълон • реклама

Камолитдин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти кафедралар бўйича рўйхатдаги лавозимларга танлов ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

«Дастгоҳли рангасвир» кафедраси

1. Доцент.
2. Ҳўқитувчи.

«Маҳобатли рангасвир» кафедраси

1. Доцент.

«Педагогика ва кабий таълим» кафедраси

1. Доцент.

«Чизматасвир» кафедраси

1. Доцент.

«Миниатюра ва китоб графикаси» кафедраси

1. Доцент.

«Музейшунослик» кафедраси

1. Катта ҳўқитувчи.

«Амалий графика» кафедраси

1. Катта ҳўқитувчи.

1. Ҳўқитувчи.

Танловда иштирок этиш учун даъвогарлар куйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари лозим:

— институт ректорига номига ариза;



— ходимлар шахсий варақаси;

— олий маълумоти, илмий даражаси, илмий унвони ҳақида диплом ва аттестатларнинг нусхалари;

— илмий ва ҳўқув-методик ишлари, ҳисоботлар, ижодий ишлар рўйхати, ижодий ишлар фотоальбоми, каталоглар.



Ҳўжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида мазкур институтнинг ходимлар бўлими томонидан қабул қилинади.

Манзилимиз: Тошкент шахри, Миробод тумани, Мироншоҳ кўчаси, 123-уй. Тел: 255-96-67, 255-18-92



Кишлоқда тонг ўзгача отади. Айни баҳор палласи бу манзара янада мафтункор: мудрок майсалар ердан бош кўтариб, шудрингга юз чайди; шарқирок сойлар гўё манзилига шошаётган йўловчидек тиним билмайди; қушлар хониши эса кўклам композициясини худдики нотага солиб тургандек. Тошкент фотосуратлар уйида ташкил этилган "Юртим жамоли" кўргазмаси ана шундай таассуротлар уйғотди бизда.

Мусаввир илғаган олам



Кўргазма муаллифи — rassom Рустам Худойбергенов асарларига назар солдик. Элликка яқин картина. Барида мусаввир хаёлотининг фасллар билан уйғунлигини сезиш қийин эмас. — Юртимиз табиати ўзига хос, — дейди rassom. — Қайси вилоятга бормай, бири-биридан гўзал манзараларни кўриб қувнайман. Нега десангиз, гўзаллик ижодкор учун битмас-туганмас илҳом манбаи. Шундай пайтлари сафар халтамдан қалам-қоғозни оламану, хомаки этюдлар чизишга киришаман. Бир олам таассуротлар билан устахонамга келиб, кўрганларимни бироз ифодавий шаклга ўгираман. Чунки манзарадан нусха кўчиришни ҳамма ҳам уддалайди. Бу ерда гап кўчиришда эмас, асарга гоյ-мазмун бағишлай билишда. Шогирдларимга кўп тайинлайман: "Rassom қалб кўзи билан кўра олиши керак. Шундагина ижод ўзга қалбларга ҳам кўчади".

Кўргазмадаги расмлар чинакам маънода юрт жамоли, хусни тароватидан дарак. Уларни мусаввир илғаган олам, дейиш мумкин. "Қишлоқда баҳор", "Кўл узра куз", "Қор ёққанда", "Қирғоқ олдида", "Ёмғирдан сўнг", умуман, ҳар бир картинада табиат манзараси rassom кечинмалари билан қоришиб кетган.

Сардор МУСТАФОЕВ,
ЎзДЖТУ талабаси

Ma'rifat

TA'SIS
ETUVCHILAR:

O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi,
O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus
ta'lim vazirligi, O'zbekiston
Ta'lim, fan va madaniyat
xodimlari kasaba uyushmasi
Respublika kengashi.

Bosh muharrir Abdusamat RAHIMOV

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga
olingan. Indeks: 149, 150. T-515. Tiraji 52300.
Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

TELEFONLAR:
qabulxona — 233-50-55;
kotibiyat — 233-99-15;
reklama va marketing bo'limi —
233-42-92(faks), 236-54-17.



«Ma'rifat»dan
materiallarni ko'chirib
bosish tahririyat
ruxsati bilan amalga
oshirilishi shart.

Tahririyatga kelgan
qo'lyozmalar taqiriz
qilinmaydi va muallifga
qaytarilmaydi.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.
Korxonada manzilli: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

O'zA yakuni — 23.55 Topshirildi — 01.30

MANZILIMIZ:
100083, Toshkent shahri,
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Web-site: www.marifat.uz

Dizaynerlar:
Malohat TOSHOVA, Faxriiddin RAHIMOV.
Nabhatchi muharrir:
Hasan MO'MINOV.
Nabhatchi:
Bobomurod XUDOYBERDIYEV.

1: 456